БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 92 (1096)
9 МАЙ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ғалаба байрами

Бугун совет халқи, Қуролли Кучларимиз ва бутун прогрессив инсоният Ғалаба кунини шод-ҳуррамлик ва зўр тантана билан нишонлайдилар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари, бошқа мамлакатлардаги миллионмиллион дўстларимиз улуғ айём кунида тинчликнинг қудратли посбонлари — шавкатли Қуролли Кучларимизни ғалаба байрами билан қизғин табриклайдилар, уларга тинчлик манфаатларини, она-Ватанимиз осойишталиги ва хавфсизлигини қўриқлашда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Ғалаба куни бу йил коммунистик жамият қураётган халқимизнинг ижодий активлиги ва ташаббуси барқ уриб яшнаган, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилаётган бир вазиятда байрам қилинмоқда. Қаҳрамон халқимиз партия XX съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, ғоят катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимизда 1957 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш, халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Совет олимларининг фан ва техника соҳасидаги буюк ижодий ютуқлари бутун дунёни қойил қилмоқда. Мамлакатимизда қитъаларараро баллистик ракетанинг вужудга келтирилганлиги ва Ер сунъий йўлдошларининг космосга учирилганлиги совет тузумининг қучқудратидан далолат беради.

1945 йил 9 май — қаҳрамон совет халқининг шонли кураш ва ғалабалар тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилгандир. Чунки бу тарихий кунда совет халқи, Қуролли Кучларимиз Европа халқлари бошига азоб-уқубат солган гитлерчи босқинчиларни батамом тор-мор келтириб, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ўрнатди.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Европада бир қанча мамлакатларни босиб олган ва оёқ ости қилган, катта уруш тажрибасига эга бўлган ва тиш-тирноғигача қуролланган гитлерчи босқинчиларнинг «яшин тезлиги»даги ҳамласини пучга чиқарди, душманнинг қонли йўлини тўсиб, унинг енгилмас деб мақталган кучларини ер билан яксон этиб ташлади.

Коммунистик партиямизнинг доимий раҳбарлиги ва ғамхўрлигини сезиб турган Қуролли Кучларимиз Москва, Сталинград, Курск, Белгород, Бобруйск, Минск, Ленинград, Таллин, Львов остоналарида, Днепр, Висла, Неман ва Одер соҳилларида, Вена остоналари ва Берлинда гитлерчи босқинчиларнинг асосий кучларини маглубиятга учратиб, тарихий ғалабаларга эришди, ўзининг ғолиб қизил байроғини шон-шуҳратлар билан қоплади. Халқимиз, армиямиз Улуғ Ватан уруши фронтларида ажойиб ватанпарварлик ва она-Ватанга садоқат ва муҳаббатнинг чексиз намуналарини кўрсатдилар.

Совет ижтимоий ва давлат тузуми ғоят катта моддий ва маънавий кучларга ва имкониятларга эга эканлиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги, ватанпарварлиги, шонли ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларимизнинг бузилмас иттифоқи, совет жангчиларининг юксак маънавий фазилатлари ва қаҳрамонликлари буюк ғалабаларимизнинг асосий манбаи бўлди. Натижада ғарбда фашистлар Германияси ва Шарқда эса милитаристик Япония тор-мор этилди, иккинчи жаҳон уруши ғалабамиз билан тугади.

Совет Иттифоқининг душман устидан қозонган буюк ғалабаси, Совет Иттифоқининг буюк халоскорлиги туфайли Марказий ва Шарқий жанубий Европадаги фашизм асоратида эзилиб ётган халқлар озодликка эришдилар. Бу мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлигида халқ революциясини амалга оширдилар, халқ демократик давлатини барпо қилдилар. Хитой Халқ Республикасининг вужудга келиши империализм системасига қаттиқ зарба бўлди. Шунингдек, Осиёдаги бир қанча мамлакатлар эркин тараққиёт йўлига тушиб олди. Бунинг натижасида социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, бир миллиардга яқин аҳолини бирлаштирган қудратли жаҳон системасига айланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида душманга қарши олиб борилган курашда мамлакатимиздаги бошқа кардош халқлар қаторида ўзбек халқи ҳам чексиз ватанпарварлик намуналарини кўрсатди, ўзбек халқининг асл фарзандлари жангларда қаҳрамонлик кўрсатиб, ўзларини шон-шуҳрат билан қопладилар. Шароитнинг оғир бўлишига қарамай, Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтга кийим-кечак, озиқ-овқат, қуроляроқ етказиб бериб турдилар.

Бизнинг Ватанимиз — Совет Иттифоқи тинчлик Ватанидир. Қуролли Кучларимиз — тинчлик посбонларидир. Шунинг учун ҳам эрксевар халқлар бизнинг армиямизга зўр ҳурмат ва муҳаббат билан қарайдилар, уни халоскор армия, халқ армияси деб атайдилар. Совет Иттифоқи зўр бериб қуролланишни тўхтатишни таклиф қилиб, 1955 йилдан 1957 йилга қадар ўз Қуролли Кучларини 1 миллион 840 минг кишига камайтирди. Совет Армияси ва Флотини яна 300 минг киши миқдорида қисқартириш ишлари ҳозир охирига етай деб қолди. Совет Иттифоқи атом ва водород қуроллари синовини бир ўзи тўхтатишга қарор қилди. Бу — Совет Иттифоқининг ҳақиқатан ҳам тинчликка интилаётганини кўрсатувчи далилларидир.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келаётган бир вақтда, империалистик мамлакатлардаги, энг аввало Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доиралар халқаро кескинликни авж олдиришга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқдалар, ҳарбий блоклар вужудга келтирмоқдалар, атом ва водород қуролларини тақиқлаш ва қуролсизланиш тўғрисидаги амалий тадбирларнинг рўёбга чиқишига турли йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини амалга оширгани ҳолда, мамлакатимизнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш тадбирларини кўриб келмоқда. Эндиликда бизнинг армиямиз жуда тез учадиган самолётларга, зарур бўлган ҳамма ракеталарга, шу жумладан баллистик ракеталарга ва ҳозирги замон жанговар қуролларининг бошқа турларига эгадир. Халқимиз ўз фарзандларига — Социалистик Ватан ҳимоячиларига биринчи даражали жанговар техникаларни тайёрлаб бермоқда.

КПСС Марказий Комитети Октябрь Пленумининг Совет Армияси ва Флотида партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш тўғрисидаги қарори партиямизнинг мамлакатимиз мудофаа қувватини ошириш, Қуролли Кучларимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг янги бир ёрқин намунасидир.

Армия ва Флотимизнинг қучқудрати — жонажон Коммунистик партиямизнинг доимий раҳбарлиги остида мустаҳкамланиб, камол топиб бораётганлигидадир. Коммунистик партия вужудга келтирган ва тарбиялаб етиштирган Совет Қуролли кучлари ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам кучлидир. Ҳар қандай агрессор она-Ватанимизга ҳамла қиладиган бўлса, халқимизнинг тинч ҳаётига ҳавф келтирмоқчи бўлса, қаҳрамон Қуролли Кучларимизнинг ўнголмас зарбаларига дучор бўлади.

СССР Мудофаа Министрининг БУЙРУҒИ

1958 йил 9 май. № 90. Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!
Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари бўлган ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният халқимиз ва унинг Қуролли Кучлари гитлерчиларга қарши коалициядаги бошқа мамлакатларнинг халқлари ва армиялари билан жанговар ҳамкорликда фашизм устидан ғалаба қозонилган кунининг ўн уч йиллигини нишонлайдилар.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида эришган жаҳоншумул тарихий ғалабаси ижтимоий ва давлат тузумимизнинг енгилмас кучини ёрқин исбот қилди, Коммунистик партия ленинча сиёсатининг тантанаси бўлди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари гитлерчиларга қарши фидокорона курашда социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолдилар ва шу билан бирга ўзларининг интернационал бурчини, буюк ҳалоскорлик вазифасини шараф билан бажардилар, инсониятни фашизм асоратига тушиб қолиш хавфидан қутқаздилар.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги Совет Иттифоқи меҳнаткашлари урушдан кейинги даврда экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Бизнинг халқимиз коммунистик қурилишнинг ғоят катта планларини амалга ошира бориб, мустаҳкам тинчлик учун, янги урушнинг олдини олиш учун сабот билан курашмоқда. Совет Иттифоқи буюк давлатлар орасида биринчи бўлиб армия сонини анча қисқартирди ва атом ҳамда водород қуроли ҳамма қуролларининг синовларини бир ўзи тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аммо, империалистик давлатларнинг реакцион доиралари зўр бериб қуролланишни давом эттирмоқдалар, халқаро вазиятнинг яхшиланишига халақит бермоқдалар. Социалистик Ватан хавфсизлиги манфаатлари мамлакатимизнинг мудофаасини ҳозирги замон техникаси ва фани даражасида сақлашни, Қуролли Кучларимизнинг қудратини тинмай оширишни талаб этади.

Қуролли Кучларнинг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларини Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман! Совет Армияси, Авиация ва Флотининг жангчилари ўз ҳарбий ва сиёсий билимингизни такомиллаштирингиз, қўшинларнинг ҳушёрлиги ва жанговарлик тайёрлигини оширингиз! Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг шонли жанговар традицияларини муқаддас билиб сақлангиз ва кўпайтирингиз!

Ғалаба байрамини нишонлаш учун **буюраман:**

Бугун, 9 майда, Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарлар — Ленинградда, Сталинградда, Севастополда ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг ғолиб Қуролли Кучлари!

Яшасин Совет ҳукумати!

Совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги курашида унинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партияга шон-шарафлар бўлсин!

СССР Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

РАДИО КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСЛАР

7 майда Лужникидаги В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройида Радио кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда Москва меҳнаткашларидан 5 минга яқин киши радио саноати, радиотехника ва алоқа ходимлари, радиоэшиттириш ва телевидение ходимлари, радио ҳаваскорлари, олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари қатнашдилар. Мажлисда халқ демократияси мамлакатларининг радио ва телевидение вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

Мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари фахрий президиумга сайланадилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг раиси Д. И. Чесноков кириш нутқи сўзлаб, тантанали мажлисни очди. У, совет ҳокимияти йилларида радио ва радиоэлектроника соҳасида эришилган ажойиб муваффақиятлар ҳақида, мамлакатда радиоэшиттириш ва телевидениенинг ривожланиши тўғрисида гапирди.

СССР Алоқа министри Н. Д. Псурцев ўз сўзида СССР шаҳарлари ва қишлоқларини радиолаштириш ва телефонлаштириш соҳасида анча ишлар қилган совет алоқачиларининг ажойиб муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

СССР Министрлар Совети Радиоэлектроника давлат комитети раисининг ўринбосари А. И. Шокиннинг сўзи эътибор билан тингланди.

Шундан кейин А. С. Попов номидаги Радиотехника ва электр алоқа Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятидан — шу жамиятнинг раиси, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси В. И. Сифоров, ДОСААФ радиоҳаваскорларидан — радиоҳаваскорлик спорти мастери Галина Патко сўзга чиқдилар.

Радио кунига бағишланган тантанали йиғилишлар ва кечалар Ленинградда, Минскда, Олмаотада, Вильнюсда, Фрунзеда, Сталинободда, Махачқалада ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. (ТАСС).

* * *

7 майда Ўзбекистон пойтахтида Радио куни шарафига тантанали мажлис бўлди. Тошкентдаги саноат корхоналарининг илғорлари, алоқачилар, радиоэшиттириш ва телевидение ходимлари, шаҳардаги маданий-оқартув муассасалари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари Свердлов номли концерт залига тўпландилар. Тантанали мажлисга таклиф этилган меҳмонлар орасида Бандунг шаҳри мэри Р. Приатнакусума жаноблари бошчилигидаги Бандунг муниципалитети делегацияси аъзолари ҳам бор эди.

Мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан мажлиснинг фахрий президиумига сайланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиоэшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Иброҳимов Радио куни тўғрисида доклад қилди.

Мажлиснинг расмий қисмидан кейин Ўзбекистон пойтахти санъат усталарининг иштироки билан катта концерт қўйиб берилди.

Концерт тамом бўлганидан кейин Бандунг шаҳрининг мэри Приатнакусума жаноблари саҳнага чиқди. У, артистларга ташаккур билдириб, Тошкент аҳолисига Бандунг аҳолиси номидан қизғин салом топширди. (ЎзТАГ).

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НОСИР СОЧИДА

СОЧИ, 7 май. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамол Абдил Носир ва унинг ҳамроҳлари кеча кечқурун Сочига келдилар. Н. А. Муҳитдинов, А. Н. Косигин ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳам меҳмонлар билан бирга келдилар.

Сочи денгиз портида Бутуниттифоқ шифохонасининг минглаб аҳолиси ва дам олувчилар тўпланган эди. Меҳнаткашлар депутатлари Сочи шаҳар Совети раиси А. Н. Биков ҳурматли меҳмонларни табриклади. Президент Носир жавоб нутқи сўзлади. Гамол Абдил Носир кўрсатилган меҳмонлўстлик ва самимият учун ташаккур изҳор қилиб, бундай деди:

— Биз Совет Иттифоқида дўстларни, ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган, миллий шаънимизни камситувчи мажбуриятлар олиш талаб қилинмайдиган беғараз ҳамкорликни топдик.

Дўст араб давлатининг бошлиғи ва унинг йўлдошлари бугун эрталабдан бошлаб шаҳар-курортни тамоша қилмоқдалар. Ҳамма жойда уларни шаҳар аҳолиси ва курортда дам олувчилар самимий табриклямоқдалар.

Меҳмонлар Мацестани бориб кўрдилар. Мацеста бальнеология муассасалари бошқармасининг бошлиғи М. В. Логачев уларга гугирт-водородли сувнинг шифоси ҳақида, даволаш процедураларини ташкил қилиш ҳақида сўзлаб берди.

Президент ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

«Гугирт-водородли сув курорти Мацестани келиб кўрганимга хурсандман ва гражданларни шу воситалар билан даволашга катта эътибор берилаётганига хурсандман. Бу соҳада катта муваффақиятлар тилайман».

Президент Носир ва унинг йўлдошлари Мацестани тамоша қилганларидан кейин Серго Оржоникидзе номли ва «Сочи» санаторийларини бориб кўрдилар.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти Марказий Кенгашида

Ўртоқ З. П. Туманова бошқа ишга ўтиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Марказий Кенгашнинг раиси қилиб ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. К. Балясная сайланди.

Областимизда

☆ ☆ ☆

ГРЭС қурилиши тезлашмоқда

Ўрта Осиёда энг йирик ёқилғи электростанцияси бўлган Оҳангарон ГРЭС қурувчилари станциянинг қолган агрегатларини ҳам тезроқ ишга туширишда электростанция ходимлари учун ўй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини тезлаштириш учун курашни борган сари қизитмоқдалар.

Иккинчи ва учинчи қурилиш участкалари ўзаро социалистик мусобақада олдинда бормоқда. Бу участкаларнинг сувоқчилари, бетончилари, пайвандчи ва экскаваторчилари апрель ойи планини муддатидан 10 кун олдин адо этдилар. Қувур кўмиладиган траншеялар ковлаётган С. Вилков бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси кундалик нормани доим 130-150 процентдан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Х. МАМАДИЕВ,
Оҳангарон ГРЭС қурилиши 2-участкасининг ишчиси.

Илғор звено пилла топшира бошлади

ЯНГИБОЗОР, 8 май. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозининг пиллачилари (бригада бошлиғи ўртоқ С. Ҳайитов) баҳорги пилла қурти боқишни агротехника қоидалари асосида намунали уюштирдилар. Ҳурмат Тешаева, Олияхон Султонова сингари илғор пиллачиларнинг методини қўллаган ўртоқ Б. Мусаева бошлиқ звено аъзолари айниқса яхши натижа эришдилар. Звенонинг яхши парвариш қилинган қурти 22 кунда пилла ўради. Звено ярим қути оқ пилла уруғидан 20 килограмм ўрнига икки баравар кўп — 44 килограммдан пилла топширди. Звено аъзолари қолган икки қути уруғдан ҳам мўл пилла ҳосили топшириши мўлжалламоқдалар.

Колхознинг бошқа звеноларида боқилаётган 87 қути қурт уруғидан ҳам юқори ҳосил топшириш учун кураш кучайтирилди.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Чўчқачилик ривожлантирилмоқда

Бундан бир неча йиллар илгари Ленин номли колхоз чорвадорлари чўчқачиликни ривожлантиришга у қадар эътибор бермас эдилар. Кейинги йилларда қўшни колхозлар чўчқачиликни ривожлантириб, давлатга белгиланган планнинг қарийб 25-30 процентги миқдорида чўчқа гўшти топшира бошлаганларидан сўнг чорвачиликнинг ана шу сермаҳсул тармоғига қизиқиш кучайди.

Ўтган йили 5 та она чўчқа сотиб олинди. Фермага тажрибали киши тайинланди. Чўчқабоқар ўз вазифасига масъулият билан қараганлиги, касбини севганлиги сабабли бир йилнинг ўзида она чўчқалардан икки марта бола олинди. Йил охирига келиб колхоз 90 бош чўчқага эга бўлди.

Чорвадорлар бу йил давлатга топширладиган гўштнинг 25 процентини чўчқа гўшти ҳисобига бажаради. Бунинг учун чўчқалар сонини янада кўпайтириш, уларни бўрдоқи қилиб боқишга катта эътибор берилаётир.

— Олдимизда аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифаси турибди, — дейди чўчқабоқар ўртоқ Н. Недарегов, — бу вазифани бажариш учун астойдил курашмоқдамиз.

Ҳозир фермада 185 та чўчқа бор. Шундан 40 боши бўрдоқига боқилмоқда, йил охиригача эса ҳаммаси бўлиб 91 бош чўчқа семиртирилиб, гўшт мажбуриятига топширилади.

Й. ТОШПУЛАТ.
Ўрта Чирчиқ райони.

Ҳар 40 секундда бир жуфт пойафзал

Янгийўл пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия ва ҳукуматимизнинг болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш учун курашни тобора қизитмоқдалар. Ҳар бир цех ва участкада мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ва иш вақтининг ҳар минутидан унумли фойдаланиш, илғор иш методларини қўлланиш учун социалистик мусобақа кун сайин авж олиб бораётир.

Шунинг натижасида фабрикада болалар пойафзали ишлаб чиқариш борган сари кўпаймоқда. Биринчи кварталда мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун ҳар хил фасонда 200 минг жуфтга яқин чарм пойафзал ишлаб чиқарган бу илғор коллектив апрель ойи топшириғини муддатидан бир неча кун олдин бажариб, 1 майгача қўшимча равишда 2 минг жуфтдан кўп хушбичим пойафзал берди.

Шарипова, Алтаев, Ҳасанбоев, Андреев, Чагданова, Беляева ўртоқлар сингари юзлаб новатор ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ғайрати билан иш процесслари тобора кўпроқ автоматлаштирилмоқда, прогрессив технология кенг қўлланилмоқда. Конвейердан ҳар 40 секундда бир жуфт пойафзал чиқараётган бу илғорлар йил охиригача суръатни янада тезлатиш учун бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

С. ТУЛАГАНОВА,
Л. БЛИНДЕР.

Цементнинг янги турлари

Тошкент кўчаларида қад кўтарган, ховазалари эндигина йиғиштириб олинган биноларга кўз ташласангиз, уларнинг оқ цемент билан пардозланганини кўрасиз. Бу цемент бинони ташқи томонидан чиройли қилиб кўрсатади. Оқ цемент ўзининг мустаҳкамлиги, шамол, ёмғир ва иссиқлик таъсирида бузилмаслиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти ходимлари кашф этган бу оқ цемент жуда арзон, хомашё — Оҳангарон кўмир разрези отвалларидан олинган маҳсулотдан тайёрланади. Отвалларга ташланган маҳсулот таркибида коалин, кам темирли ва бошқа тупроқлар бор. Бу хомашё қуйдириш олдидан оҳак ва гипс билан аралаштирилади.

Институт илмий кучлари янги актив цемент турини ҳам кашф этдилар. Тез қотувчан бу цемент темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришда қимматли қоришма материал ҳисобланади.

Москва цементлар институтининг олимлар Совети Ўзбекистон химикларининг кашфиётларини маъқуллади. Цементнинг янги турлари кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтказишга топширилди. Ҳозир маҳаллий хомашё базасида оқ ва актив цементлар ишлаб чиқарадиган завод қуриш проекти тузилмоқда.

(ЎзТАГ).

Калинин район комсомол ёшларининг ватанпарварлик ташаббуси

Поёнсиз яйловлар, адр ва сойлар, қирларимиз кўм-кўк майсалар билан қопланди. Буларни ўриб олиш, чорва моллари учун мўл-кўл ем-хашак жамғариш ҳозирги пайтда зарур вазифалардан бири бўлиб қолди.

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси «Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пичан ўришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қарор Калинин районидаги комсомол ва ёшларни ниҳоятда руҳлантириб ва ғайратлантириб юборди. Чорва моллари учун кўплаб ем-хашак тайёрлашга аҳд қилган район комсомоллари пичан ўришга отландилар.

«Коммунизм» колхозининг маркази гавжум. Бу ерда районнинг 12 колхозидан келган 500 комсомол-ёш тўпланди. Улар бугун чорва моллариига мустаҳкам ем-хашак базаси яратиб беришдек олижаноб ишга отланмоқдалар. Сталин номли, Собир Раҳимов номли, Ленин номли, Киров номли, Охунбобоев номли колхозлардан пичан ўришга бораётганларнинг кўпини ёш ленинчилар ташкил этади.

Колхоз клубида митинг бўлди. Комсомол-ёшлардан бир неча киши сўзга чиқиб, пичан ўришда астойдил ишлаяжакларини билдирдилар ва ҳар бир кишини ўз топшириғини астойдил бажаришга чақирдилар. Митинг тамом бўлгач 500 комсомол ва ёш машиналарга ўтириб Келес массивига йўл олди.

Район колхозлари бу йил Келес массивидан 8 минг тонна ем-хашак тайёрлаши лозим. Бу, 20 мингдан ортиқ қўй-қўзини 2,5-3 йил озиқлантиришга етади. Ёшлар шунча пичанни бир ой мобайнида ўриб-йиғиб олишга қарор қилдилар.

Пичан ўриш ойлигини қисқа вақт ичида муваффақиятли ўтказиш учун улар Келес массивида пичан ўрувчи комсомол-ёшлар бригадалари ташкил этадилар. Ҳар бир комсомол ва ёш пичан ўришда ўзаро социалистик мусобақалашиб ишлаб, берилган топшириқни муваффақиятли бажариш учун курашади.

Пичан ўрувчи ёшларга колхозлар катта имкониятлар яратиб бермоқдалар. Колхоз правлениелари пичан ўришда актив қатнашган комсомол ва ёшларни тақдирлаш учун пул ажратдилар. Масалан, «Коммунизм» колхози правлениеси илғорларни мукофотлаш учун 37 минг сўм, Сталин номли колхоз правлениеси 20 минг сўм пул ажратди.

Массивда пичан ўриб олишда техникадан кенг фойдаланилади. У ерга юборилган 40 трактор, 35 от сенокосилкаси пичан ўришда ишлатилади.

Район меҳнаткашларининг бу йил давлат олдида олган мажбуриятлари жуда катта. Улар давлатга 1000 тонна гўшт, 4000 тонна сут топширишлари лозим. Ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳар бир киши астойдил курашмоқда.

Район комсомолларининг бу ватанпарварлик ташаббуслари областимиздаги барча комсомол-ёшларга ибрат бўларлидир.

Келес массивига мўл-кўл пичан тайёрлашга чиқиб кетган ёшларга уларнинг ишида муваффақият тилаймиз.

Суратда: Келес массивига кета ётган ёшлардан бир группаси. **В. Сироткин** фотоси.

Ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилиш суръатини ҳар тарафлама кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆

Чигитни тўла ундириб олиб, ғўзанинг дастлабки парваришини қисқа муддатда ўтказишга эришайлик

Тошкент области Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у пахта етиштирувчи бошқа областлардан ғўзани парвариш қилиш муддатининг қисқалиги, иссиқлик температурасининг анча пастлиги, баҳор ва куз фаслларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши билан фарқ қилади.

Об-ҳаво шароитининг бу хусусияти областда ғўзанинг дастлабки парвариши даврида унинг тез ўсишини ва эрта ҳосилга кириб, ҳосилнинг барвақт пишиб етилишини таъминлайдиган барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишни талаб қилади. Оржоникидзе, Сирдарё, Янгийўл, Гулистон ва бошқа районларнинг илғор колхозлари об-ҳаво шароити қоят ноқулай келган йилларда ҳам мунтазам равишда мўл пахта ҳосили етиштириб келмоқдалар ва давлатга 1 октябргача йиллик планнинг 30 процента ва ундан ҳам ошириб пахта топширишни таъминламоқдалар.

Областимиз пахтакорлари Москвада ўтказилган пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг мажбуриятига жавобан бу йил давлатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун қийин об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириб келаётган илғор хўжаликларнинг ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги тажрибаларини тўла қўлланиш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Маълумки, ғўзанинг асосий ўсиш даврига кириши, ҳосилни эрта тўплаб, тез пишиб етилиши—дастлаввал чигитни ундириб олиш ва қатор ораларини ишлаш муддатига боғлиқдир. Бу йилги қўлам анча ноқулай келди. 20 мартдан 25 апрелгача ёмғир 200 мм. қалинликда, яъни ўртача нормадан икки мартадан ортиқроқ ёғди.

Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши шудгорнинг юза қатламини анча қотирди, экишни ўз вақтида ўтказишни қийинлаштирди, бегона ўтларнинг кўплаб ўсишига ёрдам берди. Умуман областда кўпчилик майдонларга чигит асосан апрелнинг 3-ўнкунлигида экилди, кўпчилик майдонларни экишга сифатли тайёрлашнинг имконияти бўлмади.

Экишнинг бирмунча кечикиб кетганлиги орқасида областимизлаги қатор колхоз ва совхозларда ғўзанинг ўсиши кечикмоқда. Бу кечикишни бартараф қилиш учун қатор агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур.

ЧИГИТНИ ТЎЛА УНДИРИБ ОЛИШ ВА ЯГАНАЛАШНИ ЎТКАЗИШ

Ўтган йиллар тажрибаси чигитнинг тез ва тўла униб чиқишини таъминлаш — мўл ҳосил учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Кўпчилик ҳолларда баъзи колхоз ва совхозларда экиш апрелнинг биринчи ярмида тугалланар эдию, аммо чигит айрим сабабларга кўра майнинг 2-ярмида, ҳатто июннинг бошларида униб чиқар эди. Бу, ғўза парваришини уюшқоқсизлик билан ўтказишга ва натижада ҳосилнинг кескин равишда камайиб кетишига сабаб бўлар эди.

Бу йил барча колхоз ва совхозларда чигитни ҳамма майдонларда қисқа муддатда тўла ундириб олиш имкониятига эгамиз. Аммо бу имкониятлардан ҳамма жойда тўла фойдаланилмаётир. Янгийўл, Октябрь, Пискент, Чиноз ва бошқа районларда қатқалоққа қарши ўз вақтида курашмаслик каби хатога йўл қўйилмоқда. Бу, чигитнинг униб чиқишини қийинлаштирмоқда ва баъзи жойларда эса қайта экишни талаб қилмоқда.

Ҳозир область колхоз ва совхозлари олдида 16 майгача барча майдонларда чигитни тўла ундириб олиш вазифаси турибди. Бунинг учун даставвал барча майдонларда узунасига ва кўндалангига культивацияни 2-3 кун ичида ўтказиб бўлиш, кеч экилган участкаларда эса ротацион мотига, борона ва бошқа қўл асбоблари билан қатқалоқни юмшатиш лозим.

Яғи ўзлаштирилган массивларда (Тошкент, Шимолий Тошкент, Юқори Тошкент каналлари зонасида) қалин қатқалоқ вужудга келган, уни юмшатиш қийин бўлган айрим ҳолларда чигит суви бериш керак. Чигит экилган барча далаларни, айниқса эрта экилган далаларни синчиклаб текшириш ва чигитнинг чириш ҳоллари юз берган участкаларда қайта экишни ташкил этиш зарур.

Ғўзанинг нормал ўсишини таъминлаш учун яганалашни тезлаштириш айниқса муҳимдир. Ўз вақтида ягана қилинмаган майдонларда ҳосил шохлари 5-6-бўғинларда эмас, балки 7-ҳатто 8-бўғинлардан чиқади ва бу ҳосилнинг 5-7 кун кечикиб пишишига олиб келади.

Ана шу нарсани эътиборга олиб область колхоз ва совхозлари яганалашни 15-16 майдан кечиктирмай тугаллашлари керак. Муддатнинг қисқалигини ҳисобга олиб, яганалашни чигит униб чиқиши билан, квадрат-уялаб экилган майдонларда эса биринчи марта кўндалангига ишланиши билан ёки узунасига экилган майдонларни кўндалангига қирқишни тугаллаш билан ўтказиш керак.

Яганалашни барча майдонларда тезда тугаллаш учун фақат узунасига ишланадиган участкаларда бу ишни механизация ёрдамида ҳам ўтказиш керак. Бунда туп оралиги кенглиги 15-20 сантиметр бўлиши зарур.

Механизация ёрдамида яганалашни кенг қўллаш колхоз ва совхозларни бу муҳим ҳамда масъулиятли ишни тезда бажариш имконини беради, қўл меҳнати анча тежалади.

Яганалашни алоҳида иш сифатида ўтказиш ва ҳар уяда белгиланган кўчатларни қолдириб кетиш керак. Бу ҳам ўз навбатида қўл меҳнатини тежашга ёрдам беради.

Яганалаш агрономлар ва бригадирлар раҳбарлигида, тажрибали ва яхши инструктаж олган колхозчилар ва совхоз ишчилари томонидан ўтказилиши керак.

Яганалашни ўз вақтида, сифатли ўтказиш — мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири эканлигини унутмаслик зарур.

ГЕКТАРНИНГ ТЎЛА БЎЛИШИ УЧУН

Пахтани контрактация қилишнинг янги тартиби колхозларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширади ва бу қимматбаҳо экиндан мўл ҳосил етиштиришни таъминлайди.

Илғор колхоз ва совхозлар экин майдонини тобора кенгайтириш билан бир вақтда ҳар бир метр жойнинг ҳам чигит экилмай бўш қолмаслиги учун курашмоқдалар. Бу хўжаликлар карта четларига, уватларга, ўқариқларга чигит экилиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Гектарнинг тўла бўлишлиги асосан кўчатларнинг белгиланган қалинликда бўлиши билан таъминланади. Аммо баъзи колхоз ва совхозлар бу муҳим ишга эътиборсизлик билан қарайдилар. Баъзи жойларда кўчат сийрак бўлса, баъзи майдонларда кўчат аксинча, қалин бўлиб кетади. Бу икки ҳолатда ҳам ҳосил анча камайиши мумкин.

Барча колхоз ва совхозларда қайси майдонда қанчадан кўчат бўлишлиги олдиндан белгилаб қўйилган. Шунга кўра ҳар бир бригада ва звеноларда табақалаштирилган ҳолда кўчатларнинг нормал ҳолда бўлиш чоралари кўрилиши лозим.

Қайта чигит экишни ҳамма жойда майнинг биринчи ярмигача тугаллаш керак. Икки томонлама ишланадиган участкаларда қайта экиш ишлари биринчи марта кўндалангига культивация қилингандан сўнг ёки механизация билан ягана қилингандан сўнг ўтказилиши зарур. Кўндалангига ишлангунча қайта экилган чигитлар одатда қирқилиб кетилади ва мўлжалдаги натижани бермайди.

Узунасига экилган майдонларда қайта экиш чигит униб чиқиши билан ёки ўтказилиши керак. Белгиланган кўчат қалинлиги йигирма терим давригача бир хилда сақлаб қолиниши ҳосилни оширишда катта роль ўйнайди. Бир қатор колхоз ва совхозлар ғўза қатор оралари ишланганда, суғорилганда тракторчи, сувчи ва бошқа колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириб, кўчатларни тўла сақлаб қолиш учун бошқа махсус тадбирлар белгилаб жуда тўғри иш қилмоқдалар.

Ғўза парвариши даврида кўчатларни тўла сақлаб қолиш учун тракторларнинг далалар бўлар-бўлмасга ўтишига чек қўйиш, уларнинг бурилишларининг камайишига эришиш ва юқори тезликда юрмаслигини таъминлаш керак.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ЮЗАСИДАН БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР

Бу йил ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли тупроқ ўтириб, анча зичлашиб қолди. Пахтакорлар об-ҳаво шароити қулай келган айрим кунлардангина фойдаланиб, кўп ҳолларда чигит экишни ўтказишда тупроқнинг юза қатламини ишлаш билангина чегараландилар. Кузда ҳайдаб қўйилган ернинг қолган қисми эса юмшатилмай, зичлигича қолаверди. Бундай жойларда ёш ғўзанинг нормал ўсиши учун шароит йўқ.

Ғўзанинг илдиз системасини нормаль ривожланишини таъминлаш йўлидаги энг муҳим шартлардан бири — ҳар бир участкада узунасига ва кўндалангига культивацияни тезроқ ўтказиш, кетмон чопиғини ҳам кенг йўлга қўйишдан иборатдир.

Узунасига ва кўндалангига культивация қилинганда агрегатларга пичоқ ва ғозпанжа ўрнатиб культиваторни максимал кенгликда созланишига эришиш лозим.

Чигит қайси схемада экилганига қараб, кўндалангига культивация ўтказилганда қатор оралиги 50 сантиметр кенгликда бўлган жойларда ер камида 35 сантиметр, қатор оралари 60 сантиметр кенгликда бўлганда эса камида 45 сантиметр кенгликда юмшатилиши керак. Шунингдек узунасига культивация қилинганда юмшатилган жой кенглиги 30-40 сантиметр бўлиши лозим.

Кўндалангига культивация қилиш биринчи навбатда ўтказилиши лозим. Бу иш қанчалик тез бажарилса, яганани ҳам шунчалик тез ва ўз вақтида ўтказиш мумкин бўлади. Фақат баъзи бир ҳоллардагина, яъни ер қаттиқ қатқалоқ бўлган тақдирдагина ёш кўчатларнинг нобуд бўлиб кетишдан сақлаб қолиш мақсадида ғўза парваришини узунасига культивация қилишдан бошлаш мумкин.

Ерда намнинг етарли бўлганлиги, шунингдек ҳаво очилиб, кунларнинг исиб кетганлиги катта-катта майдонларда чигитнинг ёппасига униб чиқишини таъминлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда барча майдонларда чигитнинг ёппасига униб чиқишини кутиб ўтирмасдан, чигит одий усулда экилган ерларда ғўзани механизация воситаси билан яганалашни кенг қўламда қизитиб юбориш учун имконият бор. Чигит тўла униб чиқиши мумкин бўлган ва 50-60 процент ғўзаси ўсиб турган жойларда букетлашни бошлаб юборавериш мумкин.

Ғўзани узунасига ва кўндалангига дастлабки культивация қилиш иши асосий майдонларда кечи билан 15 майга қадар тугалланиши керак.

МТС лар, колхоз ва совхозлар ҳозир ўзларидаги мавжуд барча трактор культиваторларини сира кечиктмаслан ишга туширишларини юборишлари, шунингдек ғўза қатор ораларини ишлашда от культиваторларидан ҳам кенг фойдаланишга эришишлари талаб қилинади.

Тупроқнинг зичлашиб, ўтириб қолганлиги кўчатларнинг нормаль ривожланиши учун шошилинч чоралар кўришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳамма ерда ғўзани кетмон чопиғидан чиқариш зарур.

Илмий-текшириш муассасалари, илғор колхозларнинг иш тажрибаси шуни кўрсаталики, эрта озиқлантириш ғўза ўсув даврининг дастлабки кунлариданоқ ўсимликнинг нормаль ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам кейиндан бўладиган барча озиқлантиришларнинг муддатини ўзгартириб, ғўза эрта муддатларда озиқлантирилса, бу тадбир пахтанинг пишиб етилишига зарар етказмайди. Кўп ҳолларда ғўза энг сўнгги марта озиқлантирилганда, бу иш кейинга суриб юборилиб, кўсакларнинг очилиши бирмунча кечикади. Шунинг учун ғўзани эрта муддатларда озиқлантиришга алоҳида эътибор бераийлик.

Ғўзани биринчи озиқлантириш иши уни кўндалангига биринчи парвариш қилиш иши билан бир вақтда тугалланиши — шароит талаб қилган тақдирда эса озиқлантиришни узунасига культивация қилиш билан бир вақтда ўтказишни ташкил этиш яхши натижа беради.

Ғўзани биринчи озиқлантиришда 60-80 килограмм ҳисобидан аммиак селитраси бўлган минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солинади. Бунда белгиланган миқдорда суперфосфат бўлиши (экишгача ўғит солинмаган ерларда миқдорни кўпайтириш, экишдан олдин ўғит солинган майдонларда эса миқдорни камайтирган ҳолда) керак.

Ўғитни ёш ғўзаларнинг илдизига яқин қилиб солиш учун машинанинг минерал ва маҳаллий ўғит аралашмасини туширишдан туралиган қисми қаторлардан 15-16 сантиметр узоқликда ўрнатилган бўлиши керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, областимизда ғўзани биринчи озиқлантириш муддатини чўзиш тарафдори бўлган кишилар ҳам йўқ эмас. Оржоникидзе, Октябрь, Янгийўл, Сирдарё ва бошқа районлардаги баъзи бир колхозларда яганадан сўнг сугориш олдидан ғўзани озиқлантиришга киришиш мўлжалланяпти. Бу мутлақо нотўғридир, шундай қилинса ҳосил камайиб кетиши мумкин. Бу колхозлар ғўзани озиқлантиришни 2-3 ҳафта кейинга суриб юбориш билан қимматли фурсатни қўлдан бой берган бўладилар.

Яна уқтириб ўтиш керакки, ғўзани биринчи озиқлантириш иши ҳамма жойда май ойининг биринчи ярмида тугалланиши керак.

СУҒОРИШ

Бу йилги шароитда ғўзани биринчи суғоришни кўпгина майдонларда анча кейинроқ муддатларда ўтказса ҳам бўлади. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, областда СТК, ВТК ва Тошкент каналларидан сув ичадиган катта-катта массивлар бор. Шунинг учун ҳам тупроқ шароити, иқлим ҳамда каналларда сувнинг етарли бўлмаслиги (июль ва август ойларида) ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар туфайли ўтган йилларданга қараганда бу йил суғоришни бирмунча эрта бошлаш керак бўлади. Бу, тупроқнинг пастки қатламларида бирмунча запас сувларнинг тўпланишига, натижада бу майдонлардаги ғўзаларга июль, август ойларида қамроқ сув бериш имконятини беради.

Юқоридаги зоналарда пахта майдонлари бўз ва қўриқ ерларни, баҳориқор ерларни ўзлаштириш ҳисобига бирмунча кенгайтирилганлигини ҳисобга олиб, бу ерларда ғўзани биринчи навбат суғоришни талаб қилган вақтда ташкил қилиш керак. Июль ва август ойларида суви етишмайдиган бошқа шу каби районларда ҳам суғоришни ана шу усулда ташкил қилиш зарур.

ҒЎЗАНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИДАН САҚЛАЙЛИК

Қишнинг илиқ келиши тупроқ, бегана ўтлар ва дарахт каваклариига ўрнашиб олган қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўплаб жон сақлаб қолишига имкон берди.

Колхоз ва совхозлар февраль ва март ойлари давомида бегана ўтларни йўқотиш юзасидан ва тут дарахтларини ишлаб қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қатор профилактик тадбирларни амалга оширдилар. Лекин пилла қурти боқишнинг кучайтирилиб юборилганлиги туфайли бу иш охиригача етказилмай қолди.

Ҳозир пахта майдонлари атрофидаги бегана ўтларда кўплаб трипс, ўргимчаккана, шира ва бошқа зарарли ҳашаротлар пайдо бўлган.

Бу қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўп тарқалиб ғўзаларга ўтиб кетишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриш керак. Тут дарахтларининг шох-барглари кесиб олинаётган ҳозирги пайтда, унинг атрофидаги бегана ўтлар ва бошқа турдаги дарахтларни ИСО суюқлигининг аралашмаси билан бир йўла дорилаб кетиш мумкин.

Барча колхоз ва совхозларда кундалик контроль ўрнатиб, қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган ерларни аниқлаш ва шу ернинг ўзида унинг тухумини қуритиш чораларини амалга ошириш лозим. Шундай қилинса колхоз ва совхозлар зарарли ҳашаротларнинг ёппасига тарқалиб кетишига йўл қўймайдилар ва бу билан ҳосилни нобуд бўлишдан сақлаб қоладилар.

* * *

Майнинг биринчи ярмида ғўза парвариши юзасидан асосий ва ҳал қилувчи ишлар ўтказилади. Бу ишлар қанчалик сифатли ўтказилса, мўл ҳосилга шунчалик пухта замин яратилади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли ғўзанинг вегетация даври бирмунча қисқарган бу йилги шароитда юқоридаги тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам колхоз, совхоз ва МТСларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг асосий бурчи майнинг биринчи ярмида вақтдан унумли фойдаланиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига мустаҳкам замин яратишдан иборатдир.

А. СКЛЯРОВ,
М. ТОЖИЕВ,
С. СОЛИМУҲАМЕДОВ,
Я. БЕРСУДСКИЙ,
А. КОЛГИНА.

Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхозда барча майдонлардаги чигитни тўла ундириб олиш ва ғўзанинг дастлабки парваришини белгиланган муддатда тугаллаш учун қизғин курашилмоқда. Суратда: тракторчи **М. Турсунов** (чапда) ва маркировчи **Э. Бойбозоров** ўртоқлар ғўзани 50х50 схемасига мослаб культивация қилмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

Ғўза парвариши кучайтирилмоқда

«Малик» совхозининг ўртоқ О. Қозоқов бошқараётган бўлим ишчи ва механизаторлари ўтган йили ғўза парвариши даврида бир қатор камчиликларга йўл қўйганликлари туфайли пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмаган эдилар. Улар бу йил ишга астойдил киришдилар. Сифатли тайёрланган ерларга барвақт чигит экиб, уни бир текис ундириб олишга эришдилар. Тўғри ҳосил қилинган квадратларда ғўзалар яшнаб ўсаётган ташланмоқда.

Бўлим ишчи ва механизаторлари бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўтган йилгига нисбатан камида 2-3 центнердан оширишга астойдил бел боғлаганлар. Улар ана шу аҳдларининг уддасидан чиқиш учун ҳар бир кундан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парваришини ҳам қизғин давом эттирмоқдалар.

Айниқса, бўлимнинг ўртоқ Х. Жумаев бошлиқ бригада ишчилари эришаётган муваффақиятлар мақтовга сазаворидир.

— Ғўзанинг биринчи парваришини қисқа муддатда тамомлаш, кўчатларни нормал қадинликда сақлаб қолишни таъминлаш учун курашмоқдамиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Жумаев, — бунинг учун техникадан тўла ва унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётирмиз.

Бригада ишчилари универсалчи Т. Жумаевни ҳурмат қиладилар. Чунки у, чигит экишда ҳам, ғўза парваришини кучайтириб юборилган шу кунларда ҳам астойдил меҳнат қилиб, ўз касбдошларига намуна бўлмоқда.

Ч. ИЛЁСОВ.

Далалардан дараклар

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхозининг илғор Жуман Наматов бошлиқ бригада майдонларида чигит бир текис униб чиқмоқда. Яшил квадратлар аниқ кўзга ташланган ерларда ғўзани биринчи парвариш қилишга киришилди.

Бригаданинг Мастура Одилова, Руҳомиза Абдураҳмонова, Маъруфа Маҳкамова каби илғор аъзолари кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссадан бажариб бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бу бригада аъзолари ўзларига биркитилган 102 гектар ернинг ҳар гектаридан она-Ватанга 32 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар. Улар ўз аҳдларининг устидан чиқиш учун шу кунларда ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

«XIX партсъезд» колхозининг Ойхўжа Қўрғонов бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парваришига киришилди.

Ф. Шаҳрамов,
Т. Иброҳимов.

* * *

ПИСКЕНТ. «Пискент» совхозининг 1-бўлимидаги Д. Ҳайдаров бошлиқ бригада ишчилари ўзларига биркитилган 85 гектар майдоннинг ҳаммасида чигитнинг биртекис униб чиқишини таъминладилар. Мана, ҳозир унинг натижаси — яшил квадратлар дала юзини безаб турипти.

Бригада ишчилари сўнгги ёмғирдан қатқалоқ ҳосил бўлиб ёш кўчатларни қисиб, ўсишини қийинлаштириб қўймаслиги учун шудгорнинг юза қатламини юмшатиш, қатор ораларини биринчи ишлашни барча тадбирлар билан амалга оширмоқдалар. Бригаданинг моҳир механизатори Байрам Муштоқов ўз универсали билан ғўза қатор ораларини сифатли ишлаётир.

Э. Шукуров.

* * *

БЕКОБОД. «Гулистон» колхозининг Фарҳод Ёқубов бошлиқ 9-бригадаси карта четлари, йўл бўйларидаги фойдаланилмай ётган ерлар ҳисобига бу йил ўзларига биркитилган 85 гектар майдонни 90 гектарга кенгайтиришга муваффақ бўлдилар.

Ҳозир бу майдонларда чигит текис униб чиқди ва бригада аъзолари ғўзани биринчи парвариш қилишни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

М. Эгамқулов, Х. Маматқулова, С. Андақулова, Меҳри Жабборова, А. Одилова, Қ. Сиддиқова каби илғор комсомол-ёшлар ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятни шараф билан бажариш учун шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. Маматқулов.

* * *

ОКТЯБРЬ. Сталин номли колхозининг П. Рейимов, Ю. Юсупалиев, Х. Ҳайитбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида, Ленин номли колхозининг З. Раҳимов, М. Сафаров, Карл Маркс номли колхозининг Музаффар ота ва С. Исматуллаев бошлиқ бригадаларида ҳам чигит бир текис униб чиқди.

Бригада аъзолари барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб ғўзани биринчи парвариш қилишни бошлаб юбордилар. Улар бу ишни тез фурсатда тугаллаш учун курашиш билан бирга биринчи озиқлантиришга тайёргарлик ҳам кўрмоқдалар.

Т. Жўрабоев,
Т. Имомов.

МЕХАНИЗАТОРЛАР

Чарақлаган қуёш унумдор ерларга илиқ нурини соча бошлади. «Ленин йўли» колхози далаларида иш қизғин! Азамат пахтакорлар, моҳир механизаторлар кеча-яқиндагина ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбориш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш йўлида ғайратларига-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Мана, колхознинг донгдор бригада бошлиғи Робия опа. У универсалчи Исмоил билан карталарни кўздан кечириб юрибди. Робия опа эгатларнинг гоҳ у, гоҳ бу томонига ўтиб, узоқларга назар ташлайди, ям-яшил ғўзалар кўзга ташланади.

— Шахматнинг ўзгинаси-я, Исмоил, — кўзларида қувонч билан дейди Робия опа, — чинакамига ўз ишингнинг моҳирисан! Эндиги ҳамма гап парваришда қолди, бригадамиз аъзоларининг сенга ишончи зўр, ука, — Робия опа бу сўзлари билан механизаторни руҳлантирди.

Бу йил колхоз зарур техникани МТСдан сотиб олди. Ўнлаб механизаторлар қатори Исмоил ҳам колхозга аъзо бўлиб кирди. Робия опа бригадаси оиласига келиб қўшилди.

Чигит экканда, ғўзаларни парвариш қилаётганда аниқ квадрат ҳосил қилишга эришган пахтакорнинг иши юришиб кетади. Исмоил буни яхши тушунади. Ахир у ўзининг квадрат устаси эканлиги билан пахтакорларнинг ишончига сазовор бўлган. Лекин у «мен ана шунақа механизаторман» деб, билганлари билан қаноатланиб қоладиган йигитлардан эмас. Шунинг учун ҳам Исмоил ўз касбдошлари қатори бу йил ҳам семинарларга қатнашди, далаларда ўтказилган амалий машғулотларда малакасини оширди.

Экиш бошланган дастлабки вақтлардаёқ Исмоил билан беллашадиганлар колхозда кўпайишиб қолишган эди. Тюпко методи асосида ишлашга аҳд қилган Абдураҳмон билан Аҳмад ҳам Исмоилдан қолишадиган йигитлардан эмас. Шунинг учун ҳам:

— Беллашаберамиз, — деди шунда Исмоил дадил, — сизлар 45 гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилибсизлар, қутлаймиз огайнилар, бизнинг ҳосилимиз ҳам 40 дан кам бўлмайди. Лекин шарт шуки, аниқ квадратлар ҳосил қилиш билан бирга парвариш вақтида кўчатларни тўла сақлаб қолишга эришайлик. Ҳа, ҳосил тупидан олинади оғайнилар, мусобақадан кузатган мақсадимиз шу бўлсин!

Экиш чиндан ҳам шу шарт билан бошланиб, шу шарт билан тамомланган эди. Мана энди, ғўза парвариши ҳам бошланиб кетди, механизаторларнинг моҳирлиги, ишнинг кўзини қанчалик билиши шу кунларда яққолроқ кўринади. Исмоил Робия опа билан боя аниқлаган картага универсалини гуруллатиб ҳайдаб келар экан, шу ҳақда ўйлар, ҳар дамни ғанимат билиб, бундан кейинги муваффақият Робия опа айтганидай ҳар жиҳатдан универсалчига боғлиқ эканлигини қалбида чуқур хис қилар, юзларида касбига, меҳнатга бўлган муҳаббати барқ уриб турарди.

Агрегат бир-икки марта бориб келгандан кейин, культивация сифатини текшириб кўришди. Ғўза узунасига ва кўндалангига ишлаш вақтида қатор ораларини чигит 50 сантиметр кенгликда экилган жойларда 35 сантиметр кенгликда, 60 сантиметр кенгликда экилган жойларда қатор ораларини 40 сантиметр кенгликда юмшатилиб, белгиланган тадбирга тўла амал қилинибди.

— Чакки эмас, деди Робия опа қатор ораларини ўлчаб кўрар экан, — фақат узунасига юрганда яна бироз чуқурроқ ол ука, 8-10 сантиметр бўлсин!

Бир нафас универсалини тўхтатган Исмоил бош тебратди-да яна илгари қараб кетди. Ёқимтой, шифобахш ҳаво. Исмоил моҳирлик билан руль бурар экан, баъзида узоқларга назар ташлаб қўяди; хатоларга, ўқариқларга, текисланган уватларга қўшимча чигит экаётган, ғўзаларни чопиқ қилаётган қиз ва йигитларнинг шўх яллалари, қўшни бригадаларда ҳам бетиним ишлаётган қудратли универсалларнинг гуруллашлари бу йигитга куч-қувват бағишлайди, дилини қитиқлайди...

Ҳозир тюпкочи Абдураҳмон билан Аҳмадлар ҳам рулда, гектар ҳисобидан ҳам, сифат томонидан ҳам тюпкочилардан орқада қолмаслик керак, Исмоилда ана шу фикр кезади!

Биз кечга яқин ўша тюпкочи комплекс бригадаларнинг пахта далаларида бўлдик. Бу ерда ҳам ғўза парвариши кучайтириб юборилибди. Ер текислаган деҳқоннинг ҳам, универсал рулини ушлаган ўша механизаторлар, чигит эккан сеялкачининг ҳам пахтачиликнинг тилига яхши тушунадиган, етарли тажрибага эга бўлган кишилар эканлиги аниқ ҳосил қилинган мана шу яшил квадратлардан кўринибди турибди.

Аҳмад Болтабоев билан суҳбатлашгандик. У ўз режалари ҳақида сўзлаб берди:

— Мана, парваришни ҳам бошлаб юбордик ,— деди у, — механизация ёрдами билан 45 центнердан ҳосил етиштирмоқчимиз, кам меҳнат сарф қилинса пахтанинг таннархи камаяди, даромадимиз кўпаяди, тажрибалар бизга шуни кўрсатаяпти. Биз белгилаб чиққан янги тадбир асосида ғўзанинг биринчи парваришини 10 майгача тамомлаймиз. Озиқлантириш, суғориш ишларини агротехника қоидалари асосида ўз вақтида ўтказамиз. Исмоилдан орқада қолиш йўқ, — Аҳмад бу сўзни комил ишонч билан айтди.

104 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш ишига ҳисса қўшиш учун курашаётган Исмоиллар, юқори ҳосил учун астойдил бел боғлаган Абдураҳмон, Аҳмад каби тюпкочилар чиндан ҳам ўз касбларини севган моҳир механизаторлардир.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.
У. ЖОНГИТОВ,
Б. ШОНАЗАРОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози.

Ғўза парвариши бошланди

Ўтган йили чигит экиш даврида йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олган 3-«Боёвут» совхози илғор бўлимларининг ишчи ва механизаторлари бу йил астойдил меҳнат қилиб, барча дала ишларини муваффақиятли ўтказмоқдалар.

Айниқса, совхознинг 3-бўлим ишчи ва механизаторлари олиб бораётган ишлар кишини қувонтиради. Бу бўлимда 600 гектар ерга, шундан 260 гектарига режа симларни тортиб чигит экилган эди. Нор Ёров, Собит Худойқулов, Турдимурод Бойзоқов ўртоқлар каби моҳир механизаторлар квадрат-уялаб чигит экишда бошқаларга намуна бўлиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Бўлимнинг Эргаш Миклибоев, Худойқул Хайитов, Бобосаид Шоёқубов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида биринчи парваришдан чиқарилган ғўзалар яшил квадрат ҳосил қилиб, соғлом ривожланаяпти. Бўлим ишчи ва механизаторлари бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни камида 3-4 центнерданга ошириш мақсадида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдираётирлар.

Шунингдек, Боёвут районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Т. Латипов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозида ҳам ғўза парваришига киришилди.

Ю. ЮСУПОВ,
С. ОСТАНАҚУЛОВ.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Район Советининг иши тубдан яхшилансин

КПСС Марказий Комитетининг Советлар ишларини яхшилаш соҳасида чиқарган қароридан кейин Паркент район Совети ўз ишида айрим ютуқларни қўлга киритди.

Район Совети депутатлар билан ишлашни анча яхшилаган. Депутатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ободончилик ва маданий қурилиш соҳасида жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун курашмоқдалар.

Район хўжалигининг ривожланиши натижасида меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ошиб бормоқда. Район маркази ва қишлоқларни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. 1957 йилда 400 та хўжалик янгидан уй-жой қуриб олди. Кейинги 2 йил ичида район марказида 410 кишилик ёзги кинотеатр, болалар боғчаси, промкомбинат, савдо ходимлари клуби, аптека бинолари қад кўтарди. Меҳмонхона, марказий кутубхона бинолари, электр подстанцияси қурилмоқда. Паркент ва Сўқоқ қишлоқларига водопровод қурилади. Область Советининг депутати, Сталин номли колхоз раиси ўртоқ Холматовнинг ташаббуси билан колхозда 400 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилди.

Район Советининг депутати Вартазаровнинг ташаббуси билан Хисарак қишлоғи тўла электрлаштирилди. Депутат, колхоз раиси С. Раҳматуллаев ташаббуси билан «Коммуна» колхозида янги клуб қурилди. Районда биринчи марта шу колхозда майин жунли қўйлар урчитилиб, уларнинг сони 1200 тага етказилди. «Коммуна» мактаби учун янги бино қурилаётир. Бу йил Сўқоқ қишлоғида ўрта мактаб биноси, Заркентда касалхона, Бошқизилсой қишлоғида электростанция қуришга киришилмоқда.

Бу ишларга ютуқлар билан бирга, меҳнаткашлар депутатлари район ва қишлоқ Советлари ва район ижроия комитетининг ишларида кўпгина камчиликлар ҳам бор.

Район Советининг доимий комиссиялари, айниқса маданият ва маориф доимий комиссияси (раиси С. Валиев), соғлиқни сақлаш доимий комиссияси (раиси А. Иброҳимова) қониқарсиз ишламоқда. Бу комиссиялар тузилганларидан кейин бирорта масалани ўз йиғилишларида муҳокама қилмадилар, Совет ва ижроиа олдига халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай масала қўймадилар, шу пайтгача ҳатто йиғилиш ҳам ўтказмаганлар.

Район ижроия комитети қишлоқ Советларига юзаки раҳбарлик қилмоқда, уларнинг ташкилий-оммавий ишларини, доимий комиссияларининг фаолиятини жонлантиришга етарли эътибор бермаётир. Шу сабабли ҳам қишлоқ Советларининг фаолияти сустлашиб кетмоқда. Мисоллар келтирайлик: Заркент қишлоқ Советининг маданий-маориф доимий комиссиясининг раиси ўртоқ Кенжабоев қишлоқдан аллақачон бошқа ерга кетиб қолган. Доимий комиссия раиси бўлмагани сабабли ўз ишини тўхтатиб қўйган. Шу йилнинг февралида қишлоқ Советининг сессияси бўлди. Унда халқ маорифи масаласи кўрилди. Масалани тайёрлашда доимий комиссия, шунингдек депутатлар иштирок этмадилар. Натижада сессия тайёргарсизлик билан паст савияда ўтди.

Ўтган йили Номданак қишлоқ Советининг (раиси ўртоқ Топилов) 12 сессияси бўлиб ўтган бўлса, ундан 8 таси тайёргарликсиз ўтказилган. Қишлоқ Советининг ҳамма доимий комиссиялари ишламай қўйганлар, уларнинг раислари ва аъзолари ўзларининг депутатлик бурчларига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Чанги-Хисорак қишлоқ Совети қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг раиси Нуритдин Эшов эса комиссия ишини жонлантириб юбориш нарида турсин, ҳатто ўзининг доимий комиссия раиси эканлигини, унинг аъзолари ким эканлигини ҳам билмайди.

Район ижроия комитети ўз бўлимларига ҳам етарли раҳбарлик қилмаётир. Шу сабабли ҳам унинг айрим бўлимлари қониқарсиз ишламоқда. Бошқизилсой қишлоғида телефонлар бузилгани, Чанги-Хисорак қишлоқ советида радиолар ишламай қолганлиги ҳақида кўп вақтлардан бери меҳнаткашлар томонидан берилиб келаётган сигналларга, шикоятларга алоқа бўлими мудири А. Холдоров қулоқ солмай келди.

Паркент қишлоқ Совети депутатлари — қурилиш идораларининг бошлиқлари Эргашбоев билан Зоҳидов ўртоқлар Охунбобоев номли, «Коммуна», Энгельс номли колхозларда чорва фермалари қурилишини пайсалга солиб, орқага суриб юбордилар. Паркент қишлоғидаги мактаб ва «Меҳнат» артели қурилишининг сифати талабга асло жавоб бермайди.

Халқ маорифи ишларида жиддий камчиликлар бор. Ўқиш йилининг биринчи ярим йиллигида 988 ўқувчи дарсларни ўзлаштирмади. Бу масала қишлоқ Советларида жиддий муҳокама қилиниб, таълим-тарбия ишларини яхшилаш чораси кўрилмаётир.

Район матлубот жамияти ва унинг раиси М. Мирсаидов Олтинбел қишлоғининг сайловчилари томонидан қишлоқ магазини очиш тўғрисида берилган наказни бажаришга масъулиятсизлик билан қарамоқда. Ваҳоланки, бу ҳақда райижроком қарори ҳам бор, унда қишлоқ магазини қурилиши заруллиги кўрсатилган. Матлубот жамияти районда нон хилларини, магазинларда маҳсулот ассортиментларини кўпайтириш ҳақидаги меҳнаткашлар талабларига эътибор бермаётир.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, район Совети ва қишлоқ Совети депутатларидан намунали, жон куйдириб ишлаётганларининг тажрибаси етарли равишда оммалаштирилмаётир.

Паркент район Совети ижроия комитети (раиси ўртоқ Камолов) қишлоқ Советларига раҳбарликни кучайтириш йўли билан уларнинг ишчанлик фаолиятини оширишга эришиши керак.

Ю. БАҲОДИРОВ,
район Советининг депутати.



«Ташсельмаш» заводининг коллективи яқинда «Т-27-Б» маркали ўзиюрар шассининг дастлабки тажриба нусхасини тайёрлади. **Суратда:** пахтачиликда қўлланишга мўлжалланган, 30 от кучига эга бўлган «Т-27-Б» шассиси.

Б. Мазур фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Илмий-назарий конференция

Яқинда Тошкент шаҳар партия маорифи уйида «Икки системанинг ленинча тинч-тотув яшаш принципларининг халқаро муносабатларда тантана қилиши» деган темада илмий-назарий конференция бўлди.

Конференцияга сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамияти шаҳар бўлимининг аъзолари, лекторлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, пропагандистлар қатнашдилар. Конференция қатнашчилари ўртоқ Н. Петровнинг «Икки системанинг тинч-тотув яшаш принципларининг В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилиши ва назарий-илмий асосланиши», ўртоқ Азатьяннинг «Ленинча тинч-тотув яшаш принципларининг Шарқ мамлакатлари билан алоқаларда қандай амалга оширилаётгани» темасидаги докладини ва бошқа темаларда ҳаммаси бўлиб 4 та доклад тинглади.

Сўнгра докладлар юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Сўзга чиққан ўртоқлар Совет Иттифоқининг халқаро обрўси бениҳоя ошганлигини, тинч-тотув яшашнинг ленинча принциплари изчиллик билан амалга оширилаётганини фактлар асосида кўрсатиб ўтдилар.

М. КАМОЛОВ.

Коопторг магазинида

Тошкентнинг Куйбишев шоссесида жойлашган коопторг магазини харидорлар билан доим гавжум бўлади. Улар бу ердан хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб оладилар. Магазинга гўшт, қуйруқ ёғи, балиқ, ҳўл мева, сабзавот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиб туради. Маҳсулотлар Украина, Сибирь, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Грузия ва Марказий Россия областлари ҳамда республикамиз районларидан келтирилади. Тирик балиқлар эса Орол денгизидан махсус самолётларда олиб келинади.

Коопторг ҳузурида магазинни гўшт, колбаса ва балиқ маҳсулотлари билан мунтазам таъминловчи махсус цехлар ҳам бор.

В. ХАРИЧКИН.

«БИЗ КЎП НАРСА КЎРДИК, КЎП НАРСАНИ ЎРГАНДИК»

МХР Буюк Халқ Хурали делегацияси бошлиғининг СССРга қилган сафари тўғрисида айтганлари

Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали делегациясининг бошлиғи Ч. Сурэнжав Москвадан жўнаб кетиш арафасида — 6 май кечқурун Москва телевидениесида нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқига қилган сафаридан олган таассуротлари ҳақида гапирди. У, Мўғулистон парламент аъзолари Совет Иттифоқида қарийб уч ҳафта бўлганликларини ва Москвадан ташқари Ленинградда, иттифоқчи республикаларда — Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистонда бўлганликларини айтди.

— Биз, — деди Ч. Сурэнжав,— ана шу жойларда бўлиб, совет халқининг бизнинг халқимизга нисбатан гоят дўстона муносабатда бўлаётганлигига яна ишонч ҳосил қила олдик. Биз, борган ҳамма жойда совет кишилари бизни энг яқин дўстлардек кутиб олдилар, ўз муваффақиятлари билан бизни таништиришга, тажрибаларини ўртоқлашишга ҳаракат қилдилар.

Москва, Ленинград меҳнаткашлари билан, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларининг меҳнаткашлари билан учрашувларимиз халқларимиз қардошларча дўстлигининг янги ёркин ифодаси бўлди, улуғ Совет Иттифоқи бошчилигидаги қудратли социализм лагери халқларининг тобора мустаҳкамланаётган бирлиги ва жипслигини аққол кўрсатди.

Делегация бошлиғи совет кишилари мамлакатнинг халқ хўжалиги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида эўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликларини айтиб, бундай деди:

— Чоризм даврида қолоқ бўлган ва эзилган ўзбеклар, қозоқлар ҳамда қирғизлар каби халқларнинг эндиликда Совет Иттифоқидаги тенгҳуқуқли халқларнинг улуғ оиласида яшнаб турган социалистик миллатлар бўлиб қолганликларини кўриб, чин кўнглимиздан хурсанд бўлдик.

Совет Иттифоқига қилган сафаримиздан олган таассуротимизни якунлаштириб, шуни айтиш керакки, совет халқи мўғул халқининг энг самимий ва энг содиқ дўстидир, совет халқи тинч, ижодий меҳнат билан шуғулланмоқда, Совет Иттифоқи тинчликнинг чинакам улуғ курашчисидир.

Совет Иттифоқига қилган сафаримиз жуда мароқли ва жуда фойдали бўлди. Биз, ана шу қисқа вақт ичида кўп нарса кўрдик, кўп нарсани ўргандик.

Ч. Сурэнжав кўрсатилган эътибор учун чуқур миннатдорчилик билдириб, совет халқининг коммунизм қурилишида, умумий тинчлик учун курашда бундан буён ҳам муваффақиятлар қозонишини тилади.

(ТАСС).

СССРДА СОВЕТ-РУМИН ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Москвада ташкилий мажлис

Совет мамлакатидаги кўпгина корхоналарнинг, колхоз ва илмий институтларнинг коллективлари СССРда Совет-Румин дўстлиги жамиятини тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Бу таклифни бир группа атоқли олимлар, ёзувчилар, артистлар, маданият ходимлари ва жамоат арбоблари илгари сурган эдилар.

7 май кечқурун Москвада совет пойтахти, Ленинград, Киев ва мамлакатдаги бошқа шаҳарлар жамоатчилиги вакилларининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни ташаббускор группа уюштирди.

Йиғилишни чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиуми раисининг ўринбосари Н. Т. Сизов очди. РСФСР Маориф министри Е. И. Афанасенко доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ленинграддаги «Электросила» заводи токари Н. И. Першин, Архитектура ва қурилиш академиясининг ҳақиқий аъзоси профессор Н. В. Баранов ва бошқалар сўзладилар. Уларнинг ҳаммаси Совет-Румин дўстлиги жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги таклифни қувватлади.

Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Михай Даля йиғилиш қатнашчиларини қизғин табриклади.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқида Совет-Румин дўстлиги жамиятни таъсис этишга якдиллик билан қарор қилдилар ҳамда янги жамият правлениесини сайладилар.

Арлус номига табрик телеграммаси қабул қилинди.

* * *

Ўша куни кечқурун янги жамият правлениесининг биринчи мажлиси бўлди. РСФСР Маориф министри Е. И. Афанасенко правление раиси қилиб сайланди. (ТАСС).

К. Е. ВОРОШИЛОВНИНГ ВАРШАВА УНИВЕРСИТЕТИГА СОВҒАСИ

ВАРШАВА, 7 май. (ТАСС). СССРнинг Польшадаги элчиси П. А. Абрасимов кеча Варшава университетида бўлди ва яқинда Польшага келиб келган СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов университетга 3.000 илмий китоб совға қилганлигини университет сенатига маълум қилди. СССР элчиси айни бир вақтда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг университетга янада муваффақиятли тараққиёт истаб билдирган тилакларини топширди.

Университет ректори профессор Станислав Турский совға учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди.

Совет Иттифоқининг ҳинд шахтёрлари оилаларига ёрдами

ДЕҲЛИ, 7 май. (ТАСС). СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасининг маслаҳатчи вакили Тожибоев бугун Ҳиндистон бош министри Нерунинг ёрдам фондига 20 минг рупиялик чекни Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигига топширди. ВЦСПС ажратган бу маблағ яқинда Асансол кўмир шахтасида (Ғарбий Бенгалия) фалокат рўй берган пайтда ҳалок бўлган ҳинд шахтёрлари оилаларига ёрдам кўрсатиш учун берилди.

СОВЕТ ШТАНГАЧИЛАРИ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Америкалик спортчилар билан ўртоқлик мусобақаларида қатнашиш учун совет штангачилари командаси 7 майда АҚШ га жўнаб кетди. Команда составида: жаҳон чемпионлари Владимир Стогов, Евгений Минаев, Виктор Бушуев, олимпия чемпиони ва ўтган йили жаҳон чемпионатида иккинчи соврин олган Федор Богдановский, жаҳон чемпионлари Трофим Ломакин, Аркадий Воробьев ва Алексей Медведевлар бор.

СССР ва АҚШ штангачиларининг уч мусобақаси: 12 майда Чикагода 15 майда Детройтда ва 17 майда Нью-Йоркда ўтказилади.

(ТАСС).

Югославия ҳарбий кемаларининг Қора денгиз флотига жавоб визитига доир

Контр-адмирал Богдан Песотич қўмондонлигидаги югослав ҳарбий кемалари отряди жавоб визити билан Қора денгиз флотига келади ва шу йил 10 майдан 15 майгача СССРда бўлади. (ТАСС).

БАНДУНГ МУНИЦИПАЛИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг таклифига мувофиқ, Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлиб турган Раден Приатнакусума жаноблари бошчилигидаги Бандунг шаҳри муниципалитети делегацияси Тошкентнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти билан танишиб чиқишни давом эттирмоқда.

Делегация аъзолари Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси М. Т. Турсунов ҳузурига визит билан бордилар, у билан ва ижроия комитетнинг бошқа масъул ходимлари билан узоқ вақт суҳбат қилдилар. Меҳмонлар шаҳарда саноатнинг ривожланиши, уй-жой қурилиши билан, маданий оқартув муассасаларининг ўсиши билан, шаҳар Советига сайлов системаси ва унинг фаолияти билан батафсил қизиқдилар. Приатнакусума жаноблари ўз шаҳрининг герби ва байроғини Тошкентга совға қилиб топширди. Индонезиядаги катта шаҳарлардан бири бўлган ва Осиё ҳамда Африка мамлакатлари халқлари Бандунг конференциясидан кейин катта шуҳрат қозонган Бандунгнинг тарихи тўғрисида сўзлаб берди.

— Биз, — деди у, — шаҳрингизга келишга таклиф қилганлигингиз учун чин кўнглимиздан миннатдорчилик билдирамиз, чунки бу таклиф Бандунгга нисбатан эътибор, иззат ва ҳурматнигина эмас, балки Тошкент ва Бандунг аҳолиси ўртасида мустаҳкам дўстона алоқалар ўрнатиш йўлидаги чин интилишини ҳам ифода этади.

Делегация аъзолари Сталин номли пионерлар саройидаги тўгарак аъзолари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Бадиий ҳаваскорлик коллективининг ёш қатнашчилари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Бандунг вакиллари бир неча соат мобайнида Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар Ленин номли майдонни, «Пахтакор» марказий стадионини, кенг экранли «Родина» кинотеатрини, Комсомол майдонини ва М. В. Фрунзе номли майдонни тамоша қилдилар, Сталин номли ва Горький номли маданият ҳамда истироҳат паркларида, Муқимий номли Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрида ҳамда шаҳардаги бошқа маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар.

Делегация аъзолари Тошкент водопроводининг бош иншоотида ҳам бўлдилар, Тошкент шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг раҳбарлари билан суҳбат қилдилар, Тошкентдаги Низомий номли давлат педагогика институтига, Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозига бордилар. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛ ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

ВЦСПСнинг таклифига мувофиқ СССРга меҳмон бўлиб келган ва Москвада Биринчи май тантаналарида қатнашган чет эл касаба союзларининг вакиллари 8 майда «ТУ-104» самолётида Москвадан Тошкентга келдилар. Меҳмон бўлиб келганлар орасида Жаҳон касаба союзлари федерациясининг вакили Сен жаноблари (Ҳиндистон), Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг вакили, Керала район касаба союзлари кенгашининг секретари Кришнан Каллат жаноблари, Индонезия касаба союзлари федерацияси марказий кенгаши президенти Муҳаммад Сануси жаноблари бошлиқ Индонезия касаба союз делегацияси, Бирма касаба союзлари конгресси секретари У По Чей бошлиқ Бирма касаба союз делегацияси бор.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг секретари И. М. Парамошкин, республика касаба союзи ташкилотларининг раҳбарлари А. И. Иброҳимов, Н. А. Абдуллаев, Н. А. Аҳмедов, Д. И. Мангельдин, Г. М. Черняев, М. Ш. Шарипов, касаба союзи жамоатчилиги ва матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

* * *

ВЦСПСнинг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Цейлон касаба союзи делегацияси Тошкентга келганига ўн кун бўлди. Делегация составида жамоатчи арбоб Сиривардена жаноблари (делегация бошлиғи), плантацияларда хизматчилари касаба союзлари бўлимининг секретари Махес Сатхасивам жаноблари, техник ишчилар бирлашган касаба союзи секретарининг ўринбосари Рига Перера жаноблари, Цейлон плантацияларда ишчилари касаба союзи бўлимининг раиси Лесли жаноблари бор.

Меҳмонлар Ўзбекистондаги касаба союз ташкилотларининг фаолияти билан, республиканинг ҳаёти билан танишадилар. Улар Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг, республика Госпланининг, маориф, маданият, қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш министрликларининг раҳбарлари билан учрашиб суҳбат қилдилар. Делегация аъзолари Тошкентда ўтказилган Биринчи май тантаналарида қатнашдилар.

Делегация республиканинг ҳаёти билан танишиб чиқишни давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Жанговар эпизодлар

Ўлмас ном

(УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ХОТИРАЛАРИДАН)

Днепрнинг ғарбий қирғоғида шиддатли жанглар борарди. Атрофни ўт ва порох тутунлари босган. Ҳар қарич ер душман оёғининг жирканч тепкиларидан озор тортиб, тезроқ халос бўлишни сўраётгандай титраб, ларзага келар, тилка-тилка бўлган кўксига ёпишиб олган босқинчиларни ситиб чиқаришга ҳаракат қилгандай, гумбирлаб, осмонга кўпроқ-тўзонлар сочарди. Яраланган дарахтларнинг синган шохлари оёқ остларида сочилиб ётипти.

Дарёнинг нариги томонига ўтган қисмларимиз чекинган душманнинг ҳам олишига, куч тўплашига имкон бермай, уни батамом мажақлаб ташлашга шошиларди. Орденли гвардиячи қисмнинг жангчилари гитлерчиларнинг ён томонидан ҳужум бошлаб, унинг орқа томонига ўтиб олдилар. Душман ўзининг алоқа йўлларининг ҳаммасидан ажралиб, ярим ҳалқа ичида қолди. Босқинчилар гвардиячиларнинг ҳужумини тўхтатишга ҳаракат қилиб, бор кучини жангга ташлади.

Қизил Байроқ орденли Н-чи қисмнинг батальон командири гвардиячи капитан Мамасоли Жабборов ҳужумкор жангчиларимизнинг қаторида бормоқда. Ўрмон яқинидаги қишлоқда жанг қизиб кетди. Бу ерда душман чуқур окоплар, мустаҳкам истеҳкомлар қуриб, қаттиқ ўрнашиб олган. Қишлоққа яқинлашишнинг имконияти йўқ. Жабборов батальон рўпарасида душманнинг асосий кучи тўпланганлигини яхши биларди. Қуюқ тутун орасидан пулемёт ва автоматларнинг ўхтин-ўхтин овозлари эшитилади. Атрофда мина ва снарядлар ёрилмоқда. Жангчилар орасида ярадорлар пайдо бўлди.

Бундай вақтда тез ва чаққонлик билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Ана шу вақтда Мамасоли қизиқ бир жанг планини ўйлади. У, батальонни бошидан охиригача айланиб чиқди. Ҳар бир жангчи ва офицерга:

— Йигитлар, 15 минутдан сўнг окопдан бош кўтармай «ура» кўтарасизлар. Душман бизнинг қудратли «ура»миздан юрак олдириб қўйган, унинг аҳволини синаб кўрамиз. жонини ҳовучлаб, сиққонинг ини минг танга деб қочиб қолиши мумкин, ўшандан кейин менинг буйруғимни бажарасизлар, — деди.

Окоплар сув сепгандай бирдан жимиб қолди. Бу бўрон олдидан бошланадиган жимликка ўхшарди. Бу жимлик душманга сирли ва ваҳимали туюларди. Офицерлар соатларига қараб-қараб қўймоқдалар. Қулоқчинлар остидан жангчиларнинг вазмин ва ўтли кўзлари ёниб турипти.

Соатнинг мили 15 минутга етди. Ҳамма душман устига шердай ташланишга тайёр. Окоплардан қудратли «ура» садолари янгради, пулемётлар сайради. Душман окопларида саросималик кучайди. Ана шу қулай пайтда:

— Йигитлар, Ватан учун олга, душман устига! — деган команда эшитилди. Бу командир Жабборовнинг овози эди. Батальон ўқ узиб, олдинга ташланди. Кучли «ура» овозидан ваҳимага тушиб, эсанкираб қолган фашист автоматчилари орқаларига қараб қоча бошладилар.

Жабборов душман батареясини яксон этишга, сўнг қочган фашист автоматчиларини қириб ташлашга буйруқ берди. Батальон жуда чаққонлик билан ҳаракат қилди. Қишлоқда жон сақлашга умид қилган душманнинг хом ҳаёллари пучга чиқди, қилмишига яраша таъзирини тортди.

Жабборовнинг плани яхши натижа берди. Батальон талафот кўрмади. Келгуси куннинг тонгида батальон душман қоворғаларини синдириб, катта мудофаа аҳамиятига эга бўлган Н. шаҳрини озод этишда қатнашди.

Жабборов батальони бир кун ичида 50 километрдан ортиқ ерни душмандан озод этиб, катта бир дарёни жанг билан кечиб ўтди. Бу жангда батальон аввалгидек жуда тез ва қаҳрамонона ҳаракат қилди. Айниқса младший сержант И. Елизаров маҳорат кўрсатди. У, миномётини роса ишлатди, фашистларнинг беш юк машинасини, бир транспортёр ва икки станокли пулемётини ишдан чиқарди, 70 дан кўпроқ босқинчини йўқ қилди.

Жабборов старший сержант Иброҳим Баратовни «Шербола» деб чақирарди ва унга энг муҳим топшириқларни топширарди. Баратов взвод командирининг ўринбосари. Унинг взводи дарёни биринчи бўлиб кечиб ўтди, қирғоқда душман блинданжларини яксон этиб, 100 дан ортиқ фашистни қириб ташлади.

Баратов ўз взводи билан эгаллаган қирғоқда душманнинг қарши атакаларини қайтариб турипти. Тўқнашув қўл жангтигача етиб бормоқда. Жабборов ҳамма вақтдагидек бу дафъа ҳам олдинда жангчилар орасида турипти. Баратов душманга пистолетдан ўқ узиб, қўлидаги картага қандайдир белги қўяётган Жабборовга «ажойиб ҳамшаҳарим бор-да» деб хурсанд қараб қўйди. Жабборов билан фақат Баратовгина эмас, балки бутун батальон фахрланарди, шунинг учун ҳам улар ўзларини «биз жабборовчиларимиз» деб ғурур билан айтардилар.

Бирдан душман ўти кучайди. Сал нарига бирин-кетин икки мина келиб ёрилди. Мина Жабборов турган жойда портлаган эди. У қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Жангчилар Жабборовни танкка ётқизидилар. Жабборов ётқизилган танк Польшанинг Нарев дарёси қирғоғидаги 3. қишлоғига келди. Қишлоқ ўртасидаги катта бир чорбоғда жангчилар ўзларининг севимли қомандирлари билан сўнгги марта хайрлашдилар. Жабборов бу ерда дафн этилди. Кўмиш маросими вақтида тўплардан ўт очилди. Қабр устига, тўпи ғарбга қаратилиб, танк қўйилди.

Қисм командири дафн маросимига йиғилганларга қараб:

— Гвардиячи капитан Мамасоли Жабборовнинг Ўлмас номи, ёркин образи Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони сифатида бахтиёр халқимизнинг тилларида достон бўлади, — деди.

Жабборов батальони ғарбга қараб йўл олди...

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Музейдаги партбилет

Убайдулла Мусаев кўзини очса тепасида ҳамшира қиз ва дўсти Владимир Уткин унга тикилишиб ўтиришганди. У ўрнидан қўзғолмоқчи бўлган эди, вужудида чунон оғриқ сездики, беихтиёр инграб тўлғанди. Ҳамшира қиз унга тасалли берган бўлди, ястигини ўнглаб одеалини кўкраги устига тортиб қўйди. Убайдулла яна кўзини юмди, лекин лаблари пичирлар, бир нима деётганга ўхшарди. Шунда ҳаяжонли кўзларини бир дақиқа ҳам дўстидан узмай тикилиб ўтирган Уткин бемор устига оҳиста энгашиб гапга қулоқ солди.

— Оғайнилар соғ-саломатми... Шаҳарни олдикми... Мен ҳам...

Суратда: Ўртоқ У. Мусаевнинг музейда сақланаётган партия билетининг фотосурати.

— Убайдулла, кўнглинг тўқ бўлсин, ҳамма оғайнилар соғ-саломат, шаҳарни кеча тонг отарда тозаладик, сен ҳам эрта-индин яна қаторимизга борасан...

Убайдулла яна кўз юмди. Ҳамшира Уткинга «кетаверсангиз ҳам бўлади», деди ишора билан. У ўрнидан қўзғалди. Кетатуриб дўстига яна тикилди ва ҳамширага:

— Яхшироқ қаранг, — деди.

Убайдулла тонг отарга яқин уйғонди, у ҳамон тепасида қаддалиб ўтирган ҳамширани кўрди. Унинг кўзлари қизариб, нафис қовоқлари бўртиб кетган эди. Мусаев рус қизининг шунчалик меҳрибон, ғамхўрлигини биринчи марта эмас, кўп кўрган. «Ўша сумка тақкан қиз, дўсти Уткин бўлмаганда ўзини-ўзи эплаб санбатта келаолармиди. Ўша қиз эмасми, воқеадан Уткин хабардор бўлгунча Убайдиллани ўқ сели орасидан олиб чиққан, қонсизликдан мадори кетиб, томоғи қуриқшиб қолганда сув ичирган, ярасини биринчи марта боғлаган... Ҳолдан тойган норғул йигитни бир километрдан ортиқроқ жойгача олиб келди-я...»

— Балли шижоатингга, Россия тупроғидек саҳий, рус қалбидек илиқ ҳимматингга... Убайдулланинг кўнглидан шу гаплар ўтаркан у ўзини бардамлашаётгандек, танасидаги оғриқ камаяётгандек сезарди.

Тонг ёришиб нариги кроватдаги ярадорлар ҳам уйғонишган, хонада аллақандай гавжумлик сезиларди. Ҳамшира Убайдулла Мусаевга ҳозир келишини айтиб шошилганича ташқарига чиқиб кетди. У бир пасдан кейин бош врачни бошлаб кирди. Врач бемор билан саломлашгач унга:

— Табриклайман ўртоқ Мусаев, — деди.

Убайдулла табрик сабаби нима туфайли эканини, унга қандай жавоб қайтаришини биломай ҳижолатдан юзлари қизарди. Бу ҳолни врач дарров пайқади. У бу воқеани ҳамшира айтган бўлса керак деб ўйлаган эди, ҳалигача билдирмаганликлари учун афсусланди. Врач:

— Қўшинларимиз сиз жанг қилган шимолий Кензбергни тўла эгаллаганликлари шарафига кўпчилик қатори сиз ҳам Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланибсиз, мана газета...

— Раҳмат... Убайдулла ҳаяжон аралаш фақат шу гапни айта олган эди.

* * *

... Улуғ Ватан уруши тугади... Немис фашистлари баҳодир қўшинларимиз олдида тиз чўкди! деган ва ер қуррасини қувончга тўлдирган хабар эшитилганда Убайдулла Мусаев Москвадаги госпиталлардан бирида даволанаётган эди. Бунақа қувончли хабар кишининг қалбига сиғмайди, у юракларни севинчга тўлдириб юзга табассум бўлиб чиқади, киши вужудини ўйнатиб, яйратиб юборади.

Ҳозирги пайтда Янгийўл район ижроия комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Убайдулла Мусаев фронт хотираларини ҳикоя қилиб ўтираркан, чўнтагидан бир суратни олиб кўрсатди. Бу унинг партия билетининг сурати эди. «Асли билет Москвадаги музейда», — деб қўшиб қўйди Мусаев.

Суратга узоқ тикилдик. Шимолий Кензбергнинг Шимова қишлоғи учун бўлган шиддатли жангда Убайдулла Мусаев кўкрагидан ярадор бўлади ва ўқ унинг партия билетини тешиб ўтади. Ўзи аъзо бўлган шонли Коммунистик партия иши учун ҳормай-толмай курашаётган Убайдулла Мусаев ўша даҳшатли дақиқаларни сира-сира унута олмайди.

С. МАҲКАМОВ.

Чехословак халқининг миллий байрами

Чехословак халқи ўз ватанининг немис-фашист қуллигидан озод қилинганлигига 13 йил тўлган кунни қувонч билан байрам қилмоқда.

Халоскорликдан иборат шарафли вазифасини бажариб келаётган Совет Армияси 1945 йил 9 майда гитлерчи босқинчиларга қарши курашга қўзғолган Прага меҳнаткашларига ёрдам бериб, Чехословакия пойтахтини озод қилди ва унинг аҳолисини қиргиндан, шаҳарни эса вайронгарчиликдан сақлаб қолди. Германия устидан ғалаба қозонилган тарихий кунда бутун Чехословакия тупроғи батамом озод этилди.

«9 май куни, — деган эди чехословак халқининг асл фарзанди Клемент Готвальд, — чинакам улуғ ва энг катта миллий байрам кунимиздир. 1945 йилнинг худди шу куни чех ва словак халқларини йўқ қилиб ташлаш хавфини солиб турган гитлерчилар оккупациясига умрбод барҳам берилди. Бу кун шу билан бирга чех ва словак халқлари ўз тарихларида янги, энг гўзал даврни, чинакам миллий озодлик ва мустақиллик даврини, халқ ҳокимияти ўрнатилган даврни, халқ оммаси эркин меҳнат қиладиган даврни, социализм қурилиши даврини бошлаган тарихий кун бўлди».

Совет армияси томонидан Чехословакиянинг озод қилиниши чехословак халқига чинакам мустақил социалистик давлат қурилиши ишларини бошлаш учун катта имкониятлар очиб берди.

Халқ демократик Чехословакия яшаб келаётган 13 йил чехословак халқининг ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритган, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги тўхтовсиз юксалаётган, социализм қурилиши муваффақият билан бораётган йиллар бўлди.

Чехословакия Коммунистик партияси марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб, СССР ва социалистик лагернинг бошқа мамлакатлардаги социализм қурилиши тажрибаларидан фойдаланиб, ўз мамлакатининг ривожланиши учун зарур бўлган объектив шароитларни ҳисобга олган ҳолда оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш ва шу асосда саноат ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини юксалтириш сиёсатини ўтказиб келди ва келмоқда.

Ана шу сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида Чехословакия дунёдаги саноати энг тараққий этган мамлакатлардан бирига айланди. Масалан, Чехословакия аҳоли жон бошига энг муҳим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Италия, Франция, Ғарбий Германия, Швеция, Бельгиядан ўзиб кетди.

Чехословакияда социалистик қурилиш тажрибаси социалистик системанинг капиталистик системасидан афзаллигини яққол кўрсатиб турибди. Чехословакияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши капиталистик мавжуд бўлган шароитида асло кўрилмаган суръатлар билан олға бормоқда. Бу суръатларни ғарбдаги капиталистик мамлакатлар ҳам кўрган эмаслар. 1957 йилда эски буржуа чехословакияси энг ривожга минган 1937 йилдагига нисбатан саноат маҳсулотининг ҳажми 3 марта кўп бўлди. 1957 йилда мамлакатда 75 миллион тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқарилди, 5,2 миллион тонна пўлат эритилди ва 17,7 миллиард киловатт соатдан ортиқроқ электр қуввати ишлаб чиқарилди. Халқ ҳокимияти йилларида айниқса Чехословакия халқининг фахри бўлган машинасозлик саноати гуллаб-яшнади. Унинг ҳажми кейинги 10 йил ичида 4,5 марта кўпайди.

Чехословакиянинг қудратли машинасозлик саноати саноат ва қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан қуроллантирмоқда. Чехословакия машинасозлиги маҳсулоти жаҳоннинг 90 мамлакатига чиқарилади. Чехословакия бошқа социалистик давлатларга машина ва ускуналар етказиб бериш билан уларга мамлакатни индустрлаштириш ишига катта ёрдам беради ва шу билан социалистик лагердаги ҳамма давлатларнинг иқтисодий ва техник жиҳатдан юксалишига салмоқли ҳисса қўшади.

Чехословакия экономикасининг тез ривожланаётганлигини республиканинг бутун халқ хўжалигида катта роль ўйнаётган ташқи савдонинг узлуксиз ривожланиб бориши ҳам кўрсатиб турибди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида мамлакат синфий структурасида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Капиталист ва помещчикларнинг синфи батамом тугатилди, қулоқларнинг таъсири жуда чеклаб қўйилди. Чехословакияда одамни одам эксплуатация қилиши барҳам топди.

Илгари — капитализм даврида мамлакатнинг ҳуқуқсиз бўлган, қолоқ қишлоқ хўжалик области ҳисобланган Словакияда индустрлаштириш ҳамда маданиятни юксалтириш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. Словакия чех ишчилар синфининг оғаларча ёрдами натижасида кундан-кунга саноати ривожланган ўлкага айланиб бормоқда. Ўтган 10 йил мобайнида бу ерда 200 га яқин йирик саноат корхонаси қурилди; халқ ҳокимияти йилларида саноат маҳсулоти 6,5 марта ошди.

Чехословакия қишлоқ хўжалигида катта революцион ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакатда 11350 бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этилган бўлиб, улар ихтиёрида республикадаги экин экиладиган ҳамма ерларнинг 60 проценти бор. Бирлашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва давлат хўжаликларидан иборат социалистик сектор республикадаги ҳамма қишлоқ хўжалик майдонининг 70 процентга яқинини эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳозир чехословак далаларидан олинадиган ҳосил капитализм давридан олинадиган ҳосилдан юқоридир. Қишлоқни янада кооперациялаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ошириш учун зарур бўлган моддий ва техник шароитлар яратилди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши меҳнаткашлар моддий ва маданий фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш учун мустаҳкам база яратди. Капитализм шароитида Чехословакия ишчилар синфи учун оғир қулфатлар келтирган ишсизлик эндиликда тугатилган. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи бир неча марта туширилиши ва бошқа бир қатор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ишчи ва хизматчиларнинг реаль иш ҳақи анча ўсди, деҳқонларнинг даромадлари кўпайди. Ҳозир Чехословакия меҳнаткашлари капитализм шароитидагига нисбатан жуда яхши яшамоқдалар. Масалан, ҳозир йилига 1936 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт 16,6 килограмм, буғдой уни 48,5 килограмм, қанд 10,2 килограмм ортди. Чехословакияда ҳар киши бошига АҚШ, Ғарбий Германия ва Франциядагига қараганда пойафзал, жунли газмоллар ва бошқа кенг истеъмол моллари кўпроқ ишлаб чиқарилади. 13,4 миллион аҳолига эга бўлган бу мамлакатда 3 миллион 155 минг радиоприёмник бор. Бу ҳол ўрта ҳисобда ҳар бир чехословак оиласи радиоприёмникка эга эканлигини кўрсатади. Чехословакия аҳоли жон бошига тўғри келадиган телевизор сони жиҳатидан Франция, Швейцария, Италия, Швеция, Австриядан ўзиб кетди. Чехословакия меҳнаткашлари фан, адабиёт ва санъат соҳасида эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Капитализм шароитида империалистик давлатлар қўлида ўйинчоқ бўлиб келган Чехословакиянинг халқаро мавқеи тубдан ўзгарди. Мамлакатнинг озодлиги, мустақиллиги ва хавфсизлиги мустаҳкам таъмин этилган. Чехословакия ташқи сиёсатининг мустаҳкам пойдевори Совет Иттифоқи ва барча халқ демократияси мамлакатлари билан биродарона иттифоқ ҳамда дўстлик сиёсатидир. Бу бузилмас иттифоқ ва дўстлик тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро биродарона ёрдам принципларига, пролетар интернационализми принципларига асослангандир. Чехословакия республикаси халқаро муҳим проблемаларни ҳал қилишда актив роль ўйнамоқда. У СССР ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун тинмай кураш олиб бормоқда.

Чехословак халқини фашист қуллигидан озод қилган Совет Иттифоқи халқ демократик Чехословакия барпо этилган биринчи кунларданоқ қардош чехословак халқига экономика, фан ва техника соҳасида катта ёрдам кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда.

Совет Иттифоқи билан кенг иқтисодий ва савдо муносабатларда бўлиш Чехословакия халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. СССР Чехословакияга уруш вақтида катта зарар кўрган экономикасини тиклашда, мамлакатни социалистик индустрлашда ва электрлаштиришда, қишлоқ хўжалигини илғор техника билан қуроллантиришда ёрдам берди. Чехословакия ўзи учун фойдали бўлган шартлар билан Совет Иттифоқидан бир қанча муҳим саноат хомашёлари, ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари олади. Ўз навбатида СССР Чехословакиядан оғир ва енгил саноат буюмларининг жуда кўп турларини сотиб олиб туради.

Чехословак халқи Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, социализм лагеридаги ҳамма мамлакатлар ва жаҳондаги кўпгина давлатлар билан дўстлигини тинмай мустаҳкамлаб бормоқда. Чехословакия меҳнаткашлари бу дўстликни ўз Ватанларининг барча муваффақиятлари ва гуллаб яшнашлари учун гаров деб биладилар.

«Биз, — деди яқинда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия республикасининг президенти Антонин Новотний, — халқ демократик Чехословакиянинг барқарорлиги ва мамлакатимизда социализм қурилиши халоскоримиз, дўстимиз ва иттифоқчимиз — дунёда биринчи социалистик мамлакат — Совет Иттифоқи бўлганлиги учун юзага келганлигини қудратли социалистик лагернинг таркибий қисми эканлигимизни, халқаро революцион ишчилар ҳаракатидан ҳар томонлама ёрдам олиб турганлигимизни ҳамиша эсда тутамиз. Бу — давлатимиз мустақиллиги ва миллий озодлигимизнинг гарантиясидир. Коммунистик партиямиз олиб бораётган сиёсатнинг натижалари муваффақиятли бўлаётганлигининг сабаби шундаки, биз ўз ишимизда марксизм-ленинизм таълимотига изчиллик билан амал қилаётирмиз, халқаро революцион ҳаракатнинг етакчи кучи — Совет Иттифоқи ва бошқа қардош коммунистик партияларнинг бой тажрибаларидан фойдаланаётирмиз, илғари ҳам, ҳозир ҳам пролетар интернационализми позицияларида мустаҳкам турдик ва турибмиз».

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети социализм асосларини қуриш соҳасида эришилган ютуқларга таяниб, коммунистлар ва бутун халқ олдига тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичида Чехословакияда социализм қуриш ишини тамомлаш вазифасини қўйди.

Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигида социализмнинг тўла ғалабаси сари дадил олға бораётган чехословак халқи ўз ижодий кучларини ва ғайратини ана шу улуғвор вазифани бажаришга сафарбар қилмоқда.

Чехословакия меҳнаткашлари ўз халоскорлари ва содиқ иттифоқдошлари СССР, социалистик лагернинг ҳамма мамлакатлари билан бўлган дўстликни кўз қорачиқларидек азиз билиб, муқаддас сақламоқдалар. Улар бу дўстликни ўз ватанларининг янада гуллаб-яшнаши, мустақиллиги ва хавфсизлиги, бутун дунёда тинчликнинг барқарор бўлишининг асоси деб биладилар.

В. МЕДОВ.

Чехословакия автомобиль саноати жуда тез суръатлар билан ўсмоқда. Млада Болеслав шаҳридаги Шкода заводи Москва ва Эйзенах (ГДР)даги енгил машиналар заводлари билан мусобақалашаётир. **Суратда:** Шкода заводи йиғув цехида «Спартак» автомашинасининг буриш мосламасини конвейердан тушириш пайти.

Чехословакия агентлиги фотоси.

Ўрта Осиё давлат университети физика-математика факультетининг V курс студенти З. Очилова диплом ёқлаш арафасида. **Суратда: З. Очилова** кўзгули манохрометр олдида.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Ёш ижрочилар кўриги

Москвада хореография мактаблари ўқувчиларининг Бутуниттифоқ кўриги бир неча кун давом этди. Кўрик СССР Маданият министрлиги томонидан уюштирилган эди. Мактабларнинг ўқувчилари кўрикда ашула ва балет спектакларидан рақслар, СССР ва демократик мамлакатларнинг халқлари ўйинлари, хореографик композиция ҳамда этюдларни намойиш қилдилар.

Кўрикда Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Рига, Таллин, Олмаота, Пермь ва бошқа шаҳарларнинг ўқувчилари иштирок этдилар.

Кўрикнинг якунловчи концерти П. И. Чайковский номидаги залда бўлиб ўтди. Концертда айниқса тошкентлик ёш ўйинчилардан Б. Икромов, Ш. Аҳмедов ва бошқалар ижро этган ўзбекча «Ноғора» ўйини катта муваффақият қозонди. Тошкентлик раққослар ўйинни моҳирлик билан ижро этиб, тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Якунловчи концерт марказий телевидение студияси томонидан олиб кўрсатилди. Концертни Москва ва унинг атрофидаги юз минглаб телетамошабинлар кўрдилар.

Л. АПАРНИКОВ,

Москва шаҳри.

Район касаба союз ходимларининг семинари

Яқинда Бўстонлиқ район касаба союз ходимларининг семинари бўлиб ўтди. Область партия комитети ташкил этган бу семинарга мактаблар ва ишлаб чиқариш корхоналари маҳаллий комитетларининг раисларидан 100 га яқин киши қатнашди. Касаба союз ходимлари уч кунлик семинар даврида «Касаба союз — коммунизм мактаби», «Касаба союз бюджети», «Маданий-оммавий ва моддий таъминот масалалари», «Меҳнат қонунлари» ва бошқа темаларда 10 га яқин доклад тингладилар.

Семинар қатнашчилари маҳаллий комитетлар фаолиятини яхшилаш тадбирларини белгиладилар.

З. ТУРКМЕНОВ.

Бизга ёзадилар

БЕКОБОД шаҳар ва район меҳнаткашларига Тошкент телевизион студиясининг эшиттиришларини олиб кўрсатиш мақсадида Бекобод шаҳар паркида кучли ретрансляция станцияси қурилди. Унинг нормаль ҳаракат радиуси 10-12 километрдир. Бу мураккаб иншоотни барпо қилиш учун 500 минг сўм маблағ сарфланди.

М. Мирсоатов.

ЧИНОЗ районидаги корхона, завод, колхоз ва совхозларни, меҳнаткашларнинг хонадонларини радиолаштириш ишлари қизитиб юборилди. Район алоқа бўлими ходимлари янги радиоузелни монтаж қилиб, фойдаланишга топширдилар. Ҳозир районда 4 мингдан ортиқ радио точка ишлаб турибди. Янги қурилган радиоузелнинг қуввати 20 минг радио точкага етади. Чиноз марказидан Вревск посёлкасигача 9 километрлик радио симлари тортилди. Райондаги 10 колхоздан 7 таси тўла радиолаштирилди. Қолган 3 таси ҳам ёпасига радиолаштирилмоқда.

А. Убайдиллаев.

ТОШКЕНТ область ДОСААФ комитетининг радио клуби ҳаваскорлар ясаган радио приёмник ва бошқа аппаратларнинг энг яхшиларини танлаб, уларни Округ офицерлар уйида очилган шаҳар радио виставкасига тақдим қилди. Виставкада бу клубнинг 20 дан ортиқ аппарати намойиш қилинди. Улар орасида техника алоқа мактаби студенти Владимир Блинников ясаган телевизор, Николай Фогелнинг радио комбайни, Галим Галямовнинг қисқа тўлқинли узатувчиси — передатчиги, борт-радист Юрий Лишневскийнинг магнитофонли радиоласи, врач Константин Тотчуфаровнинг медицинада ишлатиладиган асбоби каби муҳим, мураккаб аппаратлар бор.

А. Пўлатов.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МОҲИР ОВЧИ

Қош қорайган пайт... Изат Меметов Сталин номли ва «Гулистон» колхозларининг чорва моллари ўтлайдиган катта сойликдаги ўтлоқларни кезиб юрарди. У сойнинг чап қирғоғидаги катта ғор ичига бўри кириб кетганини пайқаб қолди. Лекин отай деса, қоронғу. У шу куни уйига қайтмай чўпонлар билан шу ерда тунаб қолди. Тонг ғира-ширасида ғор ичидаги пастқам жойга бориб бўрининг чиқишини пойлай бошлади. Мана, ғор ичидан йиртқич хириллаб чиқиб қолди. Меметов шу заҳотиёқ милтиқ тепкисини босган эди, бўри ғор остонасида йиқилди... Овчи ўлик бўрини ғордан тортиб чиқарди. Уни синчиклаб кўздан кечирди. Она бўри экан, яқинда болалабди. Фурсатни қўлдан бермай Меметов ғорга кирди. Ғор ичида бўрининг 8 та боласи милтиқ овозидан чўчиб, биқиниб ётишган экан. Меметов кичкина йиртқичларни қопга жойлади, она бўрининг эса терисини шилиб олди ва бу ўлжаларни район тайёрлов конторасига топширди. Пискент район тайёрлов конторасида Меметовни она бўри учун 600 сўм, тирик болаларининг ҳар бири учун 400 сўм, ҳаммаси бўлиб 3800 сўм пул билан тақдирлади.

Меметовнинг овчилик фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У бир неча йилдан буён Пискент район территориясида ўтлайдиган чорва моллариига хавф солувчи бўри, тулки, чиябўри каби йиртқич ҳайвонларга қарши моҳирлик билан курашиб келади. Район тайёрлов конторасида тузилган шартномага асосан Меметов ўзига биркитилган Сталин номли, Калинин номли ва «Гулистон» колхозларининг тоғ бағридаги яйловларда ўтлайдиган чорва молларини йиртқич ҳайвонлардан сақлайди.

У овчилик қилабошлаганидан шу кунгача 413 та тулки, 16 та бўри ва 30 дан ортиқ чиябўрини отиб ўлдирди. У ҳозир овчилик қилиш билан бирга Тошкент область овчилар союзининг Пискент районидаги бўйича инспектори бўлиб ишламоқда.

Жамоат чорвасини кўз қорачиғидек сақлаб, чорва моллари учун хавф туғдирадиган йиртқич ҳайвонларни камайтиришда жонбозлик кўрсатаётган Меметовнинг хизматидан колхозчилар, айниқса, чўпонлар беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Н. БЕКНАЗАРОВ,
М. САМАДОВ.

Чет давлатларга химия ускуналари

Областимиз саноат корхоналарида биз билан иқтисодий алоқа қилаётган чет мамлакатларга турли хил маҳсулотлар чиқариш тобора кўпаймоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги «Узбекхиммаш» заводи Хитой, Корея, Ҳиндистон, Бирма каби давлатларга ҳар хил мукаммал химия ускуналари етказиб бераётир. Апрель ойининг сўнгги декадасида Хитой Халқ Республикасига катта иситиш аппарати ва погонали холодильник, Корея Халқ Демократик Республикасига 3 та ҳаво пуфлагич машина, Ҳиндистонда СССР ёрдами билан қурилаётган Бхилаи металлургия комбинатига йирик газ иситиш аппарати юборилди.

Тўрт ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин муваффақиятли бажарган завод коллективи бундан буён ҳам чет давлатлар заказларини ўз вақтида кўнгилдагидек бажариш учун зўр ғайрат билан ишламоқда.

П. ВЛАДИМИРОВ.

Афғонистонда 270 кун

Давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини оғишмай амалга ошириб келаётган Совет ҳукумати ўз қўшниларига беғараз, самимий ёрдам кўрсатмоқда. СССР ўз ишчи кучи ва маблағи билан Афғонистон халқига дўстона ёрдам тариқасида тўла механизациялашган элеватор ва нон комбинати қуриб берди.

Шу муносабат билан бир группа совет мутахассислари Афғонистонга меҳнат командировкасига бордилар. Совет мутахассисларига Кобул шаҳрида қурилган комбинатни ишга туширишда, маҳаллий кадрлардан мутахассислар тайёрлаш ва уларга комбинат иш процессларини ўргатиш вазифаси юклатилган эди. Бу мутахассислар орасида Тошкентдаги 16-нон заводининг мастери Ҳ. Муҳаммадхонов, 4-нон заводининг мастери Й. Махматуллаев, Чирчиқ нон заводининг технологи А. Доценко, мен ва бошқа ўртоқлар бор эди.

Совет мутахассислари Афғонистонда ўтказилган 9 ойлик иш фаолияти даврида шу мамлакат гражданларидан кўп кишига ўзларининг узоқ йиллар давомида тўплаган иш тажрибаларини ўргатиб, уларни касб эгаси қилиб тарбияладилар. Масалан, биргина мен 40 га яқин кишига нон пиширишни ўргатдим. Цех бошлиғи Ғафуржон, смена бошлиғи Абдулсалом, технолог Муҳаммад-Қосим, наватчи-слесарь Лол-Муҳаммад, хамирчи Хабибулла, печь мастери Ғулом-Дарвеш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек совет инженерлари Н. Божанов ва С. Басаргин ўртоқлар комбинат учун раҳбар кадрлар тайёрлашда катта хизмат кўрсатдилар.

Биз совет мутахассислари дўст афғон халқига кўрсаттан ёрдамимиздан мамнун бўлиб, қўшни мамлакатдан яхши таассуротлар билан қайтдик.

М. ТУРДАЛИЕВ,

Чирчиқдаги нон заводининг старший мастери.

Нодир китоб

Тошкентдаги Навоий номли халқ кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида Ўрта Осиё тўғрисида ёзилган қимматли бир китоб сақланмоқда. Бу китобни подшо Александр I томонидан 1813 йилда Сибирь корпуси составида Қўқонга юборилган Филипп Назаров ёзган.

Китоб «Осиёнинг ўрта қисмидаги баъзи халқлар ва ерлар тўғрисида мактублар» номи билан 1821 йилда Петербургда нашр этилган. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида бир ярим йилдан ортиқ яшаган Назаров Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларини, об-ҳаво ва табиатни ўрганишга ҳаракат қилган. Мактублар Россия жамоатчилигини Ўрта Осиё билан таништиришда ўз даврида муҳим роль ўйнаган.

Машҳур чех ёзувчиси журналист Юлиус Фучик 1934 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрига иккинчи марта келганида халқ кутубхонасида сақланаётган бу китоб билан танишган. Юлиус Фучик Тошкентда ёзган Ўрта Осиё очеркларидан бирида Назаровнинг мактубларига юқори баҳо берган.

Г. НАБОЙШЧИКОВ.

Янги „Баҳор" ресторани

Тошкентдаги Куйбишев кўчасида янги «Баҳор» ресторани қурилиб, ишга туширилди. Бу ҳашаматли бино икки қаватли қилиб қурилган. Биринчи қаватда жойлашган махсус магазин пиширилган озиқ-овқатлар билан савдо қилади. Иккинчи қаватда эса кишлик ва ёзлик овқатланиш заллари бор.

«Баҳор» ресторани республикамизда мавжуд бўлган ресторанлар ичида энг намуналисидир. Унда ҳўрандаларга маиший хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд. Бу ерда хилма-хил миллий таомлар тайёрланади. Залда доим джаз оркестр ўйнаб туради.

Телевизор экранида

9 МАЙДА

19.30 Болалар учун ўзбек тилида Ғалаба кунига бағишланган эшиттириш: Остроцкийнинг «Жангчи бола» ҳикояси асосида ишланган телеинсценировка.

20.00 Киножурнал.

20.20 Рус тилида «Совет жангчиси» телевизион журналнинг 4-сони.

21.20 Бадиий фильм — «Турналар учади».

Бу йил Тошкентни кўкаламзорлаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Марказий кўчалар, майдонлар, скверлар, парк ва ховлиларга жуда кўп дарахт кўчатлари, гуллар ва бошқа манзарали ўсимликлар ўтказилди. **Суратда:** республика қўғирчоқ театри олдидаги скверда гул экиш пайти.

М. Турсунхўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Смислов-Ботвинник шахмат матчи

Гроссмейстер М. Ботвинникнинг касаллиги муносабати билан жаҳон биринчилиги учун шахмат матчининг 6 майга тайинланган йигирма учинчи ўйини бўлмай қолди.

Халқаро шахмат федерацияси томонидан тасдиқланган регламентга мувофиқ, ҳар иккала рақиб ўйинларни касаллик сабабли кечиктириш ҳуқуқидан энди маҳрум бўлиб қолдилар ва шу сабабли 8 ва 10 майда бўладиган сўнгги икки учрашув кечиктирилиши мумкин эмас.

Ҳозир матч ҳисоби Ботвинник фойдасига 12:10. Йигирма учинчи ўйинда жаҳон чемпиони Василий Смислов оқ доналар билан ўйнайди. (ТАСС).

Шашка бўйича республика биринчилиги учун

Тошкентдаги М. Горький номли болалар паркида 7 май куни шашка бўйича республика биринчилиги учун XXI традицион турнир бошланди.

Мусобақада республика чемпиони номини олиш учун энг кучли 14 шашкачи қатнашаётир. Булар орасида СССР спорт мастери Ш. Якубов, В. Канишчикер Л. Хейф ва мастерликка кандидат, Тошкент шаҳар чемпиони С. Гуляев ва бошқалар бор. Шунингдек, Бухоро область чемпиони Д. Боруҳов ҳам қатнашаётир.

Ҳозир мусобақанинг 2 тури ўйналди. И. Тарасуль 2, Якубов ва Хейф 1,5 тадан очко олиб турнир жадвалида олдинда бормоқдалар.

К. ЕРНИЯЗОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 9/V да **Ганг дарёсининг қизи**, 10/V да **Иўлчи юлдуз.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Бахтнинг қадрига етиш керак**, кеч соат 8-40 минут ва 10-25 минутда 3-залда **Орқанга қайрилма, ўгилча!.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Рита**, қолган сеансларда **Бахтнинг қадрига етиш керак.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Бахтнинг қадрига етиш керак.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 8 яримда **Бахтнинг қадрига етиш керак**, кеч 10 яримда **Она меҳри.**

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Бахтнинг қадрига етиш керак.**

«САЛЮТ» — **Рита.**

«Мирзачулводстрой» трестига қарашли
17 СМУга
ишлаб чиқариш-техника бўлимларининг старший инженери вазифасига **гидротехник инженерлар**
КЕРАК
Адрес: Тошкент область, Сирдарё район, Велико-Алексеевская станцияси.

Ангрен кўчаси, 17-уйда турувчи **Лариса Дмитриевна Кичаеванинг** Ўзбекистон кўчаси, 98-уй, 8-корпус, 18-квартирада турувчи Иван Григорьевич Смачковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. 115, 50 Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00985. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-467